

Қизлар тарбиясида баъзи нозик нуқталарга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Муҳаммад алайҳиссаломнинг тўрт нафар қизлари бўлган, уларга гўзал тарбия берганлар. Бу тарбиянинг мевасини саййида Фотима розияллоҳу анҳо мисолида яққол кўриш мумкин.

Имом Бухорий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан аввалги: **“Жаннат аҳли аёлларининг саййидаси ёки мўминлар аёлларининг саййидаси бўлишдан рози бўлмайсанми?”** деган сўзларини ривоят қилган.

Қизлар нозик, нафис, латиф яратилган. Уларга қўпол муомала қилиб бўлмайди. Баъзи оталар қизлар тарбиясидаги вазифаларини фақат кийим-кечак, еб-ичиш, зарурий нарсалар билан таъминлашдан иборат, деб билади. Тарбия масъулиятини онанинг елкасига юклайди.

Ҳолбуки, қизлар тарбиясида онанинг ўрни нақадар муҳим бўлса, отанинг ўрни ундан кам эмас. Агар ота ўз вазифасидан қочса ёки масъулиятни англаб етмаса, у қизининг руҳий синишига сабаб бўлиши мумкин. Қизлар заифлигидан ҳамиша суянчиққа муҳтож ва биринчи таянчи отасидир. Айниқса, ташвишли кунларида ота уйи ишончли бошпана бўлади. Қизлар хотиржамлик ва хавфсизликни ота уйдан топа олмаса, ташқари-



дан излай бошлайди. Баъзи содда қизлар гапга уста, фосиқ, виждонсиз кишилар чангалига тушиб қолиши мумкин. Қиз бола учун отаси эркакларни баҳолашдаги мезондир. У турмуш ўртоқ танлаганида ҳам отасига ўхшаш йигитни тасаввур қилади.

Набий алайҳиссалом қизларининг шаънларини кўтарар, уларга нисбатан меҳр-муҳаббатлари мўл-кўл эди. Ойша онамиз ривоят қиладики, Фотима розияллоҳу анҳо Расулуллоҳнинг ҳузурларига кирса, уни ўринларидан туриб қаршилар, қўлидан тутиб, пешонасидан ўпиб қўяр ва ўз жойларига ўтиргизардилар. Набий алайҳиссалом унинг олдида кирсалар, у ҳам шундай қи-

лар эди (*Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти*).

Набий алайҳиссалом ва Фотима онамизнинг хулқлари олий даражада эди. Бундай комил хулқлари самарасидан меҳрга меҳр, муҳаббатга муҳаббат билан жавоб берардилар.

Эй ота-оналар, қизларингиз олдидаги жавобгарлигингиз улкан, улар сизларга омонатдир. Қанча-қанча солиҳалар буюк авлодларни тарбия қилган бўлса, бу уларнинг ота-оналари берган гўзал тарбия натижасидир. Муҳаммад алайҳиссалом суннатларига эргашиш ҳар бир ота-она учун буюк бурчдир.

Бувнисо АБДУВАЛИЕВА,
Сардоба тумани
бош отинойиси

Мундарижа

Энг шарафли вазифамиз

1

Аёллар ҳам ўз касбларидан
улуш олурлар

3

Молиявий масъулият

4

Олма еганнинг озор бериши

5

Ҳавла бинти Саълаба розияллоҳу анҳо

6

Шайтоннинг иши

8

Шукр

9

Илм ҳақида зарбулмасал

10

Тозаликка ҳамма масъул

11

Ҳаммаси оиладан бошланади

12

Болангиз йиқилса, ўзи турадимиз ёки?..

13

Тушкунликдан қандай қутулиш
мумкин?

14

Оила ўчоғин ўти ўчмасин...

16



Ким нимага ишонса...

17

Эй қизим!

18

Обрўни тўкади, ризқни қияди,
умрни қисқартиради

19

“Мен Робия...”

20

Уч баробар кучлироқ...

22

Алла

24

Фарзандсизликнинг давоси

25

Ҳар куни қандай савоб топасиз?

26

Дуолар қўрғони

27

Ҳайздан кейин қонли сизот келиши

28

Отага тик боқма...

29

Дуосини ол...

30

Эҳтиёт бўлинг: “Маймун чечаги!”

31

Фастфудлар – кони зарар

32

«Илмни илк фурсат бўлганда-ёқ ўрганиш керак, чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху



Аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар

Юртимиз аёлларининг бугун кўплаб соҳаларда алоҳида ўрни бор: қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг 45, илм-фандигиларнинг 37, саноатчиларнинг 38, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида 72, таълим соҳасидагиларнинг 69,1 фоизи, суд тизимида 12,4 фоизини аёллар ташкил қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, ривожланиб бораётган барча соҳаларда аёллар улуши кун сайин ортиб бормоқда.

Ислом олами уламоларининг фикрига кўра, ишлаш – эркак ва аёлнинг шахсий ҳуқуқи. Меҳнат қилиш вожиб, зеро, у яшаш, кун кечириш воситасидир. Қуръони каримда эркак ва аёлнинг касб қилиши борасида алоҳида оят нозил қилинган: **“...Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар...”** (Нисо сураси, 32-оят).

Ойша розияллоҳу анҳо аёлларни меҳнат қилишга чорлаб бундай деган: “Сизга Аллоҳ тайёрлаб қўйган нарсаларнинг башоратини бераман. Эй аёллар жамоаси! Аллоҳ сизлар учун тайёрлаб қўйган нарсаларнинг баъзисини кўрганингизда эртаю кеч тиним билмас эдингиз. Қай бир аёл ўзи, эри ва болалари учун урчуқ йигирса, албатта, Аллоҳ азза ва жалла унга жаннатдан мағриб ва машриқдан кенгроқ бўлган бир уй беради. Ҳар бир тўқиган кийими учун унга бир юз йигирма минг

шаҳар берилади...” Яъни, аёл меҳнат қилиб ҳам оиласи фаровонлиги, жамият тараққиётига ҳисса қўшади, ҳам савобларга эришади.

Ислом фикри академияси қарорида, жумладан, бундай дейилади:

– аёл киши ҳар қандай мулкни шаръий қоидаларга кўра бемалол тасарруф қилади;

– аёлнинг танлаган касби унинг табиатига ҳамда шаръий қоидаларга тўғри келиши керак;

– аёл фаолияти ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда шаръий қоидаларга зид келмайдиган ўринга эга.

Ислом шариати аёлларга уйдан ташқарида касбий фаолият билан шуғулланишга рухсат этади. Шу билан бирга, у амал қилиши керак бўлган шартларни ҳам белгилаб берган. Улар қуйидагилар:

– ниятни тўғри қилиш;

– ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга тақво қилиш. Чунки тақво бандага тўғри йўлни танлашга, ўзи ва атрофидагиларнинг турли фитналардан узоқ бўлишига ёрдам беради;

– аёлнинг танлаган касби унинг табиатига ва фитратига мувофиқ бўлиши;

– иш жойида номаҳрам эркаклар билан ёлғиз қолмаслиги;

– аёлнинг танлаган касби унинг асосий вазифасига салбий таъсир этмаслиги. Яъни, аёл

уйи-

га ке-

либ, ўз вази-

фаларини бажаришга куч топа олиши керак;

– валийнинг рухсати. Ҳадиси шарифда бундай дейилди: **“Аёл валийнинг уйидан фақатгина унинг рухсати билан чиқади. Агар изнисиз чиқса, то қайтгунича ёки тавба қилмагунича ғазаб ва раҳмат фаришталари унга лаънат айтадилар”** (Имом Байҳақий ривояти).

Аёл мана шу шартларга риоя қилса, ўз саломатлиги билан бирга, оиласининг хотиржамлигини, фаровонлигини таъминлайди, жамият ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Гулсара УСМОНОВА,

Навоий вилояти бош

имом-хатибининг

хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



وَلَا تُؤْتُوا السُّفَهَاءَ أَمْوَالَكُمُ الَّتِي جَعَلَ اللَّهُ لَكُمْ قِيَامًا وَارْزُقُوهُمْ فِيهَا وَاكْسُوهُمْ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَعْرُوفًا وَابْتَلُوا الْيَتَامَىٰ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغُوا النِّكَاحَ فَإِنْ آنَسْتُمْ مِنْهُمْ رُشْدًا فَادْفَعُوا إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ

“(Қарамоғингиздаги) ақли норасоларга Аллоҳ сизларга (ҳаёт) туруми қилиб қўйган молларингиз (етимларнинг омонат моллари)ни бериб қўймангиз, балки ўша (моллар)дан едиринг, кийдиринг ҳамда уларга яхши гапиринг! Етимларни то ба-

лоғат ёшига етгунларига қадар назорат қилиб (вояга етиш вақтини кузатиб) турингиз: вояга етганларини сезсангиз, (қўлингиздаги омонат) мол-мулкларини ўзларига топширингиз! (Нисо сураси, 5–6-оятлар).

Молиявий масъулият



Оятдаги “ақли норасолар”дан мурод молларини беҳуда кўкка совурувчилардир. Улар молларини зарур бўлмаган ўринларга сарфлайди, тўғри тақсим қилишни билмайди. Шунинг учун омонатларини сақлаб туринг. Мол-дунёни уларнинг қўлларига бериб қўйманг. Шунингдек, уларга яхши муомала қилиб, ширин сўз айтинг.

Васийлар етимларни синаб, текшириб кўришлари ҳамда ёшлигиданоқ

мол-мулкни идора қила олишга тайёрлашлари керак. Аллоҳ таоло Қуръонда: «Етимларни имтиҳон қилинг, агар уларда ақли расоликни топсангиз, молларини ўзларига беринг», деб марҳамат қилмоқда. Яъни, етимларни уларнинг ақллари, динлари ҳамда мол сақлашлари жиҳатидан синаб текшириб кўриш, қачонки никоҳ ёшига етганларида уларда ақл ҳамда динда салоҳиятни, молни сақлай олиш қобилияти ҳамда ман-

фаат келтирадиган нарсаларни биладиган даражага етганини кўрганда молларини ўзларига бериш мумкинлиги айтилган.

Етимга молини беришнинг икки шarti бор: бири балоғат ёшига етиш, яна бири рушд. Ибн Аббос “рушд”ни ақл ҳамда молни сақлашдаги салоҳият деб атаган. Биз уни қисқа қилиб “ақли расолик” дедик.

Бола ўз молини сақлай олмайдиган ҳолда балоғатга етса, молини унга бермасдан ушлаб турилади. Саид ибн Жубайр: “Ҳатто кексайса ҳам, ақли расолик топилмагунча моли ўзига берилмайди”, деган.

Етимларни молиявий масалаларда синаб, имтиҳон қилиш уларнинг ҳолатига қараб турлича бўлади. Бозорда тасарруф қиладиган

кишига валийси озроқ пул беради ва унинг тасарруфини кузатади. Агар у савдода тасарруф қила олмаса, у рўзғорга сарфлайдиган нафақа орқали синалади. Хизматчи, ёлланган ишчиларга қиладиган сарфи кузатилади.

Қиз бола (аёл киши) эса уйни идора қилиши, ундаги нарсаларни сақлай билиши билан синалади. Агар синалаётган етимлар тўғри тадбир қилаётгани кузатилса, одатда бунинг ақли расолиги юзага чиққан ҳисобланади. Уларга моли ишониб топширилади.

Етимга васийдан талаб қилинаётган иш шу қадар нозик экан, ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги масъулияти нечоғлик катта экани ҳақида ўзингиз хулоса чиқаравинг. Уларни мол-мулкни сақлаш ва тўғри тасарруф қилишга ўргатиш ҳар бир ота-она учун вожиб.

Зеро, бу борада ҳам илм ўрганиш зарур. Сабаби, пулни ишлаб топиш, уни сақлаш ва тўғри сарфлаш ҳам алоҳида билим, маҳорат талаб қилади. Бу илмни билмаган ўғил-қиз келажакда камбағал бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунингдек, динимизда айтилганидек, қаердан топиб, қаерга сарфлаганимиз борасида ҳам қиёмат куни ҳисоб-китоб қилинишимизни унутмайлик!

Темур ЭШБОЕВ,

Бахмал туманидаги “Сўфи” жоме масжиди имом-хатиби

Олма еганнинг озор бериши

Ислом таълимотида қўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг ҳақлари борасида эҳтиёт бўлиш зарурлиги, қўшнилarga озор бериш оғир гуноҳ экани уқтирилади.

Агар уйимизга нимадир, масалан, бирор мева олиб келсак, унга қўшниларнинг назари тушса, албатта, уларга ҳам беришимиз керак.

Саиднинг ойиси ҳар якшанба куни сомса қилар эди. Бувиси эса ҳар сафар: “Болам, қўшнига озор берманг”, дер, ойиси: “Хўп бўлади, ойижон”, деб қўшнисиникига сомса олиб чиқарди.

Бир куни Саид бувисидан:

– Бувижон, нега ойим ҳар сомса қилганида “Қўшнилarga озор берманг”, дейсиз? – деб сўради.

Бувиси:

– Ойинг пиширган сомсанинг ҳиди уларнинг димоғига етади, улар ҳам сомса егиси келиб, озорланишади. Агар сомсадан берсак, еб кўнгиллари таскин топади, – деб тушунтирди.

Шунда Саид мактабда синфдоши Аҳрор каттакон олмани карсиллатиб еганини, бошқа болалар эса унинг олмасига ҳавас

Абу Шурайх розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди!»** дедилар.

«Ким, эй Аллоҳнинг Расули?!» дейилди.

«Қўшнисиникидан эмин бўлмаган одам», дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

билан қарашганини эслаб сўради:

– Кеча Аҳрор мактабда ҳамманинг олдида олма еди, демак, у ҳаммага озор берибди-да?!

– Шундай, – деб жавоб берди бувиси.

– Лекин у олмасини ҳаммага бўлиб берса, ўзига ҳеч нарс қолмас эди-да, – деди Саид.

– Ундай бўлса, панароққа ўтиб ейиши керак, – деди бувиси.

Ўғзал тарбия фарзандларимизнинг яхши қўшни, солиҳ инсон бўлиб етишишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир оила соҳибаси бунга эътиборли бўлса, маҳалла аҳли иноқ, юрт эса обод бўлади.

Акбаршоҳ РАСУЛОВ



Ҳавла бинти Саълаба

розияллоҳу анҳо

қурди. Эри кексайиб қолганида бир воқеа содир бўлди. Авс ибн Сомит Ҳавла розияллоҳу анҳога:

– Сен менга онам кабисан!
– деб қўйди.

Буни эшитган Ҳавла розияллоҳу анҳо:

– Жуда қаттиқ гапирдингиз! Нима деяётганингизни билмаяпсиз! – деди.

Авс ибн Сомит розияллоҳу анҳу қаттиқ пушаймон бўлди.

Шунда Ҳавла розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан маслаҳат сўраш лозим, деб ўйлади ва буни эрига айтди. Бироқ Авс розияллоҳу анҳу:

– Расулуллоҳ алайҳиссаломдан бу ҳақда сўрашга уялман. Ўзинг у зотга ҳолимизни англат! – деди.

“Сен менга онамнинг бели кабисан, онам кабисан” деган жумла жоҳилият даврида араблар орасида мутлақ ажралишни англатарди.

Бу борада динимиз ҳукмини ўрганиш мақсадида Ҳавла розияллоҳу анҳо бўлган ишни Расулуллоҳ алайҳиссаломга тушунтирди.

– **Эй Ҳавла, эрингга ҳаром бўлибсан!** – дедилар.

Ҳавла эрини оқлаб:

– Эрим кексайиб, ақли заифлашиб қолган, болаларим эса ёш, энди нима қиламан? – деб эридан айрилгиси келмаётганини билдирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом аввалги жавобларини қайтардилар.

Ҳавла розияллоҳу анҳо йиғлаб: “Аллоҳим, Сенга арз қиламан, мени бу мушкулотдан Ўзинг қутқар. Бу ишнинг ечимини Пайғамбаринг тилига Ўзинг тушир!” деб дуо қилди.

Ойша розияллоҳу анҳо ва у ердаги бошқа аёллар унга ачиниб, қўшилиб йиғлашди. Шу пайт Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳолатлари ўзгарди. У зотнинг юзларида ваҳий асносида кўринадиган аломатлар зоҳир бўлди. Шунда Ойша розияллоҳу анҳо:

– Эй Ҳавла, энг тўғрисики Аллоҳ билади, муҳаққақ ваҳий келяпти. Менимча, у сиз ҳақингизда! – деди.

Ваҳий ҳолатидан чиққач, Пайғамбар алайҳиссалом табассум қилдилар: **“Эй Ҳавла! Аллоҳ сен ва у ҳақида оят туширди”**, дедилар ва оятларни ўқидилар: «(Эй Муҳаммад!) **Аллоҳ сиз билан ўз эри ҳақида баҳсла-**

Саълаба ибн Асромнинг қизи Ҳавла розияллоҳу анҳо мадиналик бўлиб, Ҳазраж қабиласига мансуб эди. Ҳижратдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат берган. Ислом билан шарафлангач, иймондаги ҳассосияти билан ном қозонди.

Амакисининг ўғли Авс ибн Сомит Ансорий билан оила

шаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг сўзини эшитди. Аллоҳ сиз иккингиизнинг сўзлашувингизни эшитур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир. Ораларингиздаги ўз хотинларини “зиҳор” қиладиган кимсаларга улар (хотинлари асло) оналари эмасдирлар. Уларнинг (чин) оналари уларни туққан (аёл)лардир. Улар, ҳақиқатан, номақбул ва ёлғон сўз айтурлар. (Лекин) Аллоҳ афв этувчи ва кечирувчидир. Ўз хотинларини “зиҳор” қилиб, сўнгга айтган сўзларидан қайтадиган кимсалар (зиммасида) қўшилишларидан илгари бир (мўмин ёки кофир) қулни озод қилиш бордир. Бу сизларга қилинаётган насиҳатдир. Аллоҳ қиладиган амалларингиздан хабардордир. Бас, кимки (қул) топа олмаса, қўшилишларидан илгари (зиммасида) пайдар-пай икки ой рўза тутиш бордир. Бас, ким (рўза тутишга) қодир бўлмаса, (унинг зиммасида) олтмишта мискинга таом бериш бордир. Бу (ҳукмлар) сизлар Аллоҳ ва унинг пайғамбарига иймон келтиришларингиз учундир. Булар Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) чегараларидир. (Илоҳий қонунларни инкор этувчи) кофирлар

учун эса (охиратда) аламли азоб бордир» (Мужода-ла сураси, 1–4-оятлар).

Ҳамма шодланди.

Расули акрам алайҳиссалом Ҳавла розияллоҳу анҳога дедилар:

– **Авсга айт, бир қул озод этсин!**

Ҳавла розияллоҳу анҳо:

– Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтманки, унинг озод қиладиган нарсаси йўқ!

– **Унда кетма-кет икки ой рўза тутсин!**

– У анча кексайиб қолган, бунга ҳам кучи етмайди.

– **Ундай бўлса, олтмиш фақирни тўйғазсин!**

– Ё Расулуллоҳ, бунга ҳам имкони йўқ!

– **Айт, Умму Мунзир бинти Қайсга бориб, ярим васоқ хурмо олиб, 60 нафар фақирга садақа қилсин!**

Ҳавла розияллоҳу анҳо уйига келиб, Авс уни остонада кутиб турганини кўрди, бўлган воқеани бирма-бир сўзлаб берди.

Шу кундан кейин Авс розияллоҳу анҳу: “Агар Ҳавла бўлмаса, мен ҳалок бўлардим”, деб юрди.

Ҳавла розияллоҳу анҳони барча саҳобалар ҳурмат қилишарди. Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу ёнларида бир неча киши билан масжиддан қайтаётганида бир аёл

йўлини тўсиб, насиҳат қила бошлади: «Эй Умар, сени бир вақтлар “Умарча” дейишарди, кейин “Умар” деб аталадиган бўлдинг. Бугун эса “Мўминлар амири!” дейишмоқда. Эй Умар, масъулият бобида Аллоҳдан қўрқ! Ким ўлимга ишонса, умрини бекорга ўтказишдан қўрқади, ким ҳисоб-китобга ишонса, азобдан қўрқади».

Ҳамроҳлари Умар розияллоҳу анҳуга: “Шу кампирнинг гапига қулоқ солиб ўтирибсизми?” дейишди. Шунда ҳазрат Умар: “Бу аёлнинг кимлигини билмайсизми? У Авс ибн Сомитнинг хотини Ҳавла бинти Саълаба бўлади. Бу аёлнинг сўзини Аллоҳ таоло эшитган-у, Умар эшитмасинми?! Қодир Аллоҳ ҳаққи, у кечгача мен билан гаплашса, намоздан бошқа бир сабаб бўлмаса, уни ташлаб кетмайман. Намозни адо этгач, қайтиб яна унинг сўзларини тинглайман!” деди.

Дарди ва муаммосидан Аллоҳга арз қилган, талаб ва шикоятига Жаноби Ҳақ қисқа муддатда жавоб берган саҳобияга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Шоирахон ҚОСИМОВА,

Андижон вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



«Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиған) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз»
(Моиди сураси, 90-оят).

Ота-онамиз бизни ҳеч нарсага зориқтирмай вояга етказди. Оиламиз зиёли, ўзига тўқ эди.

Отамиз олий маълумотли бўлгани учун биз фарзандларини ҳам

ўқитди. Кимдир шифокор, кимдир педагог, яна кимдир иқтисодчи бўлди. Хуллас, ака-опаларим ўз соҳаси бўйича ишлай бошлашди. Мен ҳам Тошкент шаҳридаги нуфузли университетлардан бирига ўқишга кирдим. Ҳамма бизнинг оилага ҳавас билан қарарди...

Оилада кичик фарзанд бўлганим учун айтганим-айтган, деганим-деган эди.

Иккинчи курсда ўқиб юрган кезларим курсдошим Сардорнинг гапига кириб, кечки пайт турли базм ва ўтиришларга бо-
радиган одат чиқардим. Ота-

онам ва акаларимнинг танбеҳ беришига қарамай, бу одатимни тўхтатишга ўзимда куч топа олмадим. Сўнг ичкилик қолиб, наркотик моддаларни таътиб кўрмоқчи бўлдим. Шу тариқа наркотик моддаларга ружу қўйдим. Ўқишим ҳам ўлда-жўлда бўлиб қолди. Учин-

ла-ҳовлимизга кетганимни айтиб, даволанаётганимни ҳаммадан сир тутишди. Аёлим ҳам мени тўғри тушуниб, бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмади ва ота-онам билан яшаб турди. Аммо мен тўрт кун деганда даволаниш муассасасидан қочиб кетдим...

Шайтоннинг иши

Ҳар куни уйда жанжал чиқариб, ота-онам ва

акаларимдан пул тама қилардим. Улар эса нима қилишни билмай, менга пул берарди. Бу ҳолат уч-тўрт ойча давом этди. Кейин улар ҳам пул бермай қўйишди. Шунда мен уйдаги нарсаларни ўғирлаб сота бошладим.

Аста-секин қариндош-уруғ, қўшнилар ва маҳалла-қўй менинг асл қиёфам ҳақида билишди. Ота-онам, акаларим ва опаларим элу юрт олдида шарманда бўлиб, уятга қолди. Бу иснодни кўтаролмай, эндигина болаларининг роҳатини кўраман, деган пайтида отам қон босими ошиб, оламдан ўтди. Онам эса қандли диабет касалига чалинди. Отамдан кейин онам ҳам кўп яшамади. Мен падаркушдан ҳам ошиб тушдим! Мени дея ота-онам бу ёруғ оламини тарк этди! Қариган чоғларида ҳар бир куни алам, қайғу ва ғам-андух билан ўтди.

чи курсда университетдан ҳайдалдим.

Ота-онам мени уйлантиришга қарор қилди. Билишимча, улар бу орқали менга инсоф бериб қолишидан умидвор эдилар. Тахминан йигирма беш кун ичида қўшни маҳаллада яшовчи Назокат исмли қиз билан тўйимиз бўлди. Тўйдан бир ой ўтар-ўтмас, аёлим гиёҳванд эканимни билиб қолди. Уйига кетишга шайланган пайти ота-онам унга ялиниб-ёлворишди. Бу одатни ташлашимга уни ишонтиришди. Назокат онамнинг кўзларидаги ёшни кўриб, раҳми келганидан кетиш фикридан қайтди.

Ота-онам ва акаларим даволанишим учун махсус шифохонага ётқи-
зишди. Сўраганларга да-



Ота-онамдан айрилганим етмагандай, фарзандим ногирон туғилди. Биргина ўйламай босилган қадам туфайли ўзим ва яқинларимни барбод қилдим.

Гулдай аёлимнинг умри хазон бўлди. Эндигина туғилган норасида ўғлим эса ногирон, дардимни кимга айтай?!

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир маст қилувчи ҳаромдир. Қайси нарсанинг бир фарақи маст қилса, унинг бир сиқими ҳам ҳаромдир”**, деганлар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Ҳар бир инсон вақтида кўзини очиб, қилмишларининг оқибатини ўйлаши лозимлигини англаб етдим. Бор-будимдан айрилиб, бошим деворга текканидан сўнг кўзим очилди. Лекин энди жуда кеч эди! Афсус, вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Ҳар бир нарсанинг борида қадрига етиш керак!

Нодир БЕРДИЕВ,
Тошкент шахри

Шукр

Бир синфдошим бор эди. Отаси “катта жой”да ишлар, бадавлат яшашар эди. Маҳаллада биринчи бўлиб телевизор олишган эди. Синфдошим яхши ўқирди. Еттинчи синфни битирган куни мотоциклли бўлди. Мактабни олтин медаль билан тугатди.

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб қолдик.

– Ишлар қалай? – десам, зарда билан қўл силтади:

– Расво! Домлам ўлгудек мараз! Номзодлик ишимни чўзиб ётибди.

Йиллар ўтди. Тағин кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Ўғлим кўп ичади. Кеча яп-янги машинанинг пачағини чиқариб келди!

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Расво! Қизимнинг турмуши нотинч. Қайнонаси ёмон. Судлашмоқчиман.

Йиллар ўтди. Синфдошим бечора деб эшитдим. Шифохонага борсам, ранги бир ҳолатда ётибди.

– Соғлик қалай?

– Расво! Қанд касали деган палатка адоийи тамом қилди. Ўлиб-ўлмайман, тузалиб-тузалмайман!

Тавба, деб гапирай-ку, фаришталар “Омин!” деган эканми, узоққа бормади бечора...

Яна бир синфдошим бор эди. Отаси урушдан яримжон бўлиб қайтган, тўкилиб кетай деб турган кулбада туришарди. Яхши ўқирди. Лекин медалга “илинмади”.

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб қолдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши!

Мебел фабрикасида ишляпман. Кундузи дурадгорлик қиламан. Кечаси уч кунда бир қорувулман. Яқинда велосипед олдим.

Йиллар ўтди. Тағин кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши! Ўғлим ўқишни битириб, чет элга ишга кетди.

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши! Қизим фарзанд кўрди. Неварамга бешик олишга кетяпман!

Йиллар ўтди. Синфдошим бечора деб эшитдим. Худди ўша, бошқа синфдошим ётган шифохонада экан. Ранги бир ҳолатда.

– Соғлик қалай?

– Худога шукр, яхши! Буйрак жиндай шамоллабди. Берган дардига шукр!

Яқинда уни тағин кўрдим.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши! Тўнғич неварамнинг бўйи чўзилиб қолди. Худо хоҳласа, беш-олти йилда неvara куёв кўраман. Тўйга келасан-а?!

Ўткир ҲОШИМОВнинг
“Ярим аср дафтари”дан
олинди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ким Аллоҳга шукр қилмаса, одамларга ҳам ташаккур қилмайди»**, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Имом Термизий лафзида: «Одамларга ташаккур қилмаган, Аллоҳга шукр қилмайди», дейилган.



Илм ҳақида зарбулмасал

Абу Мусо Ашъарий рози-яллоҳу анху ривоят қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Аллоҳ мен билан жўнатган ҳидоят ва илмнинг мисоли бир ерга ёққан кўп ёмғирга ўхшайди. Ўша ернинг баъзи қисми тоза бўлиб, сувни қабул қилди ва кўп ўтларни ундирди. Баъзи қисми эса қаттиқ бўлиб, сувни ушлаб қолди ва Аллоҳ у билан одамларга манфаат келтирди. Улар ичишди, чорваларига беришди ва экин экишди. Яна бир бошқа ер яйдоқ бўлиб, сувни ҳам ушлаб қолмайди, ўтни ҳам ундирмайди. Булар Аллоҳнинг динини яхши англаб, Аллоҳ мен билан жўнатган нарса унга фойда берган, ўзи билиб, бошқаларга ўргатган киши ҳамда унга қулоқ ҳам солмаган, мен билан жўнатилган Аллоҳнинг ҳидоятини қабул ҳам қилмаган кишининг мисолидир”** (Муттафақун алайҳ).

“Аллоҳ мен билан юборган ҳидоят ва илмнинг мисоли бир ерга ёққан кўп ёмғирга ўхшайди”. Ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом келтирган ҳидоят ва илм турли ёмғирга ўхшатишмоқда. Яъни, ер каби одамлар ҳам уч турли экани аён бўлмоқда.

“Ўша ернинг баъзи қисми тоза бўлиб, сувни қабул қилди ва кўп ўтларни ундирди”. Биринчи қисм ер ёмғирда суғорилиб, жонланди. Кейин ўзида инсон-

лар ва ҳайвонлар фойдаланадиган набототлар ундирди.

Бир тоифа инсонлар ҳам худди шундай. Уларга ҳидоят ва илм етиб боради. Илмни дилларига жо қилиб, қалбларини у билан яйратадилар. Илмларига амал қиладилар ва бошқаларга ҳам ўргатадилар. Яъни, ўзлари фойда олиб, бошқаларга ҳам наф келтирадилар.

“Баъзи қисми эса қаттиқ бўлиб, сувни ушлаб қолди ва Аллоҳ у билан одамларга манфаат келтирди. Улар ичишди, чорваларига беришди ва экин экишди”. Иккинчи қисм ер сувни қабул қилмайди. Лекин фойдани бошқа бир томони бор. Яъни, одамлар ва ҳайвонлар ичиши, экин экишлари учун сувни ўзида сақлаб туришидир.

Иккинчи тур одамлар ҳам худди шундай. Уларнинг хотираси бор. Лекин зийрак онглари, маъно ва ҳукмларни фаҳмловчи зеҳнлари йўқ. Яна уларда ибодат ва илмга амал қилишга жидду жаҳд ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, улар илмни ёд оладилар. Уларнинг бу ҳолатлари то илмга ташна талаба келгунича давом этади. Бундай кишилар фойда бериш ва фойда олишга салоҳиятлидир. Талаба илмни улардан ўрганади. Чунки улар ўзларида бор нарса билан атрофдагиларга фойда улашадилар.

“Яна бир бошқа ер яйдоқ бўлиб, сувни ҳам ушлаб қолмайди, ўтни ҳам

ундирмайди”. Учинчи қисм ер яйдоқ бўлиб, бирор нарса ундирмайди. Сувга ҳуши йўқ, бошқалар фойда олиши учун ўзида сувни ҳам тутиб турмайди.

Учинчи тур одамлар ҳам худди шундай: уларда хотира йўқ, англаб олувчи зеҳнлари ҳам йўқ. Илмни тинглаётганларида ундан фойда олмайдилар. Бошқаларга фойда бериш учун хотираларида ҳам сақлаб қололмайдилар.

“Булар Аллоҳнинг динини яхши англаб, Аллоҳ мен билан жўнатган нарса унга фойда берган, ўзи билиб, бошқаларга ўргатган киши ҳамда унга қулоқ ҳам солмаган, мен билан жўнатилган Аллоҳнинг ҳидоятини қабул ҳам қилмаган кишининг мисолидир”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари келтирган динни одамлар эҳтиёж сезганда ёғадиган ёмғирга ўхшатдилар. Ислом келишидан олдин ҳам одамларнинг ҳоли шундай эди. Худди ёмғир ўлик ерни тирилтирганидек илм ҳам ўлик қалбларга ҳаёт беради.

Ҳадис илм ўрганиб, унга амал қилувчи ва бошқаларга ҳам ўргатувчининг фазлини баён этмоқда. Шунингдек, илмдан юз ўгирувчини мазаммат қилмоқда.

“Китабул фазоил” асари асосида Қибрай тумани бош имом-хатиби Миродил МИРЖАЛИЛОВ тайёрлади.



Тозаликка ҳамма масъул

“Унда покланишни хуш кўрадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севар” (Тавба сураси, 108-оят).

Бугунги кунда атроф-муҳит мусаффолигига бутун дунёда катта эътибор қаратиляпти. Аввал ахлатларни уй эгалари чиқиндихоналарга тўкиб келган бўлишса, энди “Тоза ҳудуд” ташкилоти махсус машиналари олиб кетмоқда. Бу ҳам одамларга қулайлик, турмушимиз фаровонлигининг бир кўринишидир. Лекин, афсус, турли хазонлар, меваю сабзавот пўчоғи, ҳатто овқат қолдиқлари ҳар хил ахлатлар билан қоришиб ётибди. Ваҳоланки, кераксиз нарсалар – шиша синиқлари, тош ёғишт парчалари ва ҳоказо нарсалар алоҳида ташланиши лозим. Бу қоидага риоя этилмаётир.

Солих ибн Абу Ҳассон айтади: «Мен Саид ибн Мусай-ябнинг **“Албатта, Аллоҳ Яхшидир, эзгуликни яхши кўради, Покдир, покликни яхши кўради, Карамли-**

дир, саховат ва карамни яхши кўради, Сахийдир, сахийлик ва қўли очиқликни яхши кўради”, деганларини эшитганман» (Имом Термизий ривояти).

Ўттиз йилдан зиёд мактабда ишлаб, ёш авлодга таълим-тарбия берганим учун китоблар, газета-журналларга жуда қизиқаман. Яқинда “чиринди” ҳамда “чиқинди” сўзларининг маъносини “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”дан ўқиб кўрдим. Китобда ёзилишича, барг хазонлари ерга кўмилса, маълум вақт ўтгач, чириндига айланиб, ер ҳосилдорлигини ошираркан. Демак, уларни ахлатга ташламай ё ёқиб юбормай, томорқалар, шаҳар шароитида гулзорлар ва да-

рахтлар остига кўмилса, самаралироқ бўларкан. Ҳам табиат гуллаб-яшнади, ҳам тозалик учун фойдали.

Касбим тақозосига кўра, шаҳримиз кўчаларида кўпроқ оилавий масалалар юзасидан маҳаллаларда юрарканман, одамларга ахлат билан қоришиб ётган пўчоқлар, овқат қолдиқларини кўрсатиб: “Уларни ахлатга ташламай, уй ҳайвонларига бериш мумкин-ку, ўзингизда бўлмаса, қўшнилarga беринг”, дейман.

Атроф-муҳит тозалиги учун барча бирдек масъуллигини, шу оддий ҳаёт ҳақиқати – чиқинди бошқаю чиринди бошқалигини ҳаммамиз тушуниб етишимиз кераклигини, айниқса, уйда хонадон тозалиги учун масъул ва назоратчи бўлмиш аёлларимиз теран идрок этишлари зарурлигини ҳис этайлик.



**Юлдузхон
АБДУРАҲМОНОВА,**

*Қўқон шаҳридаги
“Ашурали Зоҳирӣ”
маҳалласи отинойсис*



Тарбия масаласи ҳамма даврларда энг долзарб масала бўлган. Хусусан, бугунги кунга келиб бу борада бироз оқсоқлик сезилаётгани бор гап. Навоий вилояти бош имом-хатиби **Тоҳир РЎЗИЕВ** билан шулар ҳақида суҳбатлашдик.

– Ассалому алайкум! Домла, айрим оилаларда ўзаро ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат йўқолиб бораётгандай. Қайнона-ке-

ки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Рабнинг розилиги ота-онанинг розилигида. Рабнинг норозилиги ота-онанинг норозилигида”, дея марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

– Қуръони карим ва ҳадииси шарифларда ҳар бир яхшилигу ёмон амал ажри охиратда берилса, баъзи нарсаларнинг жазоси бу дунёда ҳам берилиши айтилган...

– “Зангори экран”даги айрим кино ва сериаллар, улардаги зино ва ҳаёсизлик билан тўлиб-тошган ҳаёт, хиёнат уқибатсизлик урчиб ётган саҳналар, интернетдаги беҳаё тасвирлар ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсир этмоқда...

– Айрим ўғил-қизларимиз оиладаги тарбия тизимининг саёзлиги, ўзларининг бўш вақтни тўғри тақсимлаб олмаганлари оқибатида ки-

Ҳаммаси оиладан бошланади

лин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, тирик етим бўлаётган болалар, кексайиб қолган ота-оналарнинг эътиборсиз қолаётганини эшитиш, кўриш кишини ўйга толдиради. Шундай эмасми?..

– Ва алайкум ассалом! Айтганингиздай, маърифатсизлик сабабми, айрим фарзандлар баъзан “ўзларидан ортмайди”. Дунёга келишига сабаб бўлган ва “тишида тишлаб” катта қилган фидокор ота-онасига бирор яхшилиқ қилиш учун жон куйдирмайди. Ҳатто айримлар борки, уларнинг ҳолидан хабар олиб, бир мушкулини осон қилиш у ёқда турсин, ўз “юк”ларини, оиласи таъминотини ҳам кексайиб қолган ота-онасига ташлаб қўйганини кўриш мумкин. Ваҳолан-

– Учта дуо сўзсиз қабул бўлиши айтилган: **1) ота-онанинг фарзандига қилган дуоси; 2) мусофирнинг ва 3) мазлумнинг.** Киши бу уч тоифанинг дуолари билан ё нажот топади, ё хор бўлади. Никоҳ ўқиш жараёнларида келин-куёвларга оят-ҳадисларга суянган ҳолда бахтли яшашнинг энг муҳим шартларидан бири ота-онанинг хизматини қилиб, дуоларини олиш эканини эслатиб ўтамыз. Яна куёвни алоҳида олиб қолиб, ота-онаси ва аёлининг ҳақлари, омонатдорлик, оила масъулияти ҳақида ҳаётий мисоллар билан тушунча берамиз.

Бугун оила қураётган ёшларимиз барча сабоқларимизни тўғри англаб, масала моҳиятини теран тушуниб етишлари лозим.

йиниш, сўзлаш, хатти-ҳаракат, одоб масалаларида “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолмоқдалар. Кўнгилочар масканларда ҳеч кимдан ҳаё қилмай қўйганларни учратаётганимиз эса, масаланинг жиддий тус олаётганини билдиради. Буларнинг бари динимизга, менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ишлардир. Тўғри, сиз айтаётган “экран”лар ҳам бунда ўз таъсирини ўтказмоқда.

Бунинг асл сабабини оиладан ва умумий муҳитдан қидириш керак. Қайноқ қонли ёшларга, аввало, оилада ибобаё, одоб сабоқлари берилиши, дину диёнат танитилиши, қолаверса, ўзбек ўғлонни, қизи қандай бўлиши кераклиги сингдириб борилиши лозим. Йўқса, ота-онанинг назоратидан, жамият-

нинг эътиборидан четда қолаётган ёшларни интернету телефонлар орқали тарқалаётган “кўринмас бало” эгаллаб олади, ўз гирдобига тортиб кетади. Бу хатардан эса, оила қўрғони орқали ҳимояланиш мумкин. Шунинг учун ҳар бир ота-она, хусусан, оналар биринчи галда фарзанд тарбияси билан машғул бўлишлари шарт. Зеро, “Нима эксанг, шуни ўрасан” деган нақл бежиз айтилмаган. Бугун бой берилган ёш авлод эртага биринчи бўлиб ота-онасига ташвиш, лаънат олиб келиши мумкин.

Салима УМАРОВА
суҳбатлашди.

*Таҳририятдан: Яқинда **Салима Умарованинг** тўрт жилдли “Сайланма”си чоп этилди. Унда муаллифнинг назм ва насрдаги асарлари қатори долзарб мавзуларда ёзган туркум мақолалари ҳам жамланган.*



Болангиз йиқилса, ўзи турадими ёки?..



Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Киши учун ўз боласига одоб бермоғи унинг бир соъ садақа қилганидан яхшидир”,** дедилар” (Имом Термизий ривояти).

Бола қоқилиб йиқилса ва бу шикастсиз бўлса, бу вазиятда ота-оналар икки хил йўл тутишади. Биринчи тоифадагилар болани тинчлантириб: “Ҳечқиси йўқ. Ўрнингдан тур, болам. Қўлингни бер. Сенга кўмаклашман”, дея бироз далда билан уни хотиржамликка ўртади. Иккинчи тоифа эса жуда ваҳима билан боласининг олдига югуриб боришади. Уни даст кўтариб, ўзига ҳеч иш қолдирмай, эгни-бошини қоқиб, ҳамма жойини пайпаслаб кўриб, болани янада қўрқитиб юборади. Бу ҳолнинг такрорланавериши боланинг онгида доим кимдир югуриб келиб уни турғизиб қўйиши кераклиги ҳақидаги тасаввурни шакллантиради.

Шунинг учун кўчаларда баъзи болалар йиқилган ё хархаша қилган бўлса, кимдир келиб кўтариб олишини кутиб чўзилиб ётганини кўриб турамиз. Улар шунга ўрганиб қолган. Кунлар ўтиб, у бирор муаммога дуч келса ҳам вазиятдан чиқишга уринмайди. Ўзини ожиз ҳис қилади. Эҳтимол, ўшанда унга ёрдам қўлини чўзадиганлар топилмас. Шунинг учун фарзандни ўзига ишонган, мустақил қарор қабул қила оладиган қилиб вояга етказиш тўғри бўлади. Бу иш эса, юқорида айтилган “йиқиш”лардаги муносабатимиздан бошланади.

Дилноза ШОДМОНОВА,
Напай тумани отинойиси



Тушкунликдан қандай қутулиш мумкин?

САВОЛ: Баъзи табиблар беморларга чувалчангдан тайёрланган дори ичишни тавсия қилишмоқда. Чувалчангни истеъмол қилишга рухсат борми?

ЖАВОБ: Чувалчанг динимиз истеъмолини ҳалол қилмаган жонзотлардандир. Аллоҳ таоло бизга уларни истеъмол қилишни ҳаром қилган. Бу ҳақда Аллома Ҳаскафий раҳимахуллоҳ бундай деган: “Ҳашаротларни истеъмол қилиш ҳалол эмас. Ҳашаротлар ернинг кичик жонзотларидир” (“Дуррул мухтор”).

Истеъмоли ҳалол бўлмаган дориларни дори сифатида еб-ичиб бўлмайди. Фақат мусулмон ҳозик табиблар вужудингизга шундан бошқа дори йўқ, дейишса, улардан фойдаланса бўлади.

САВОЛ: Ҳозирда тиш экиш учун турли металллар билан бирга ҳайвонларнинг суякларидан ҳам фойдаланилмоқда. Бунда ўлимтик ҳайвоннинг суяги, шунингдек, чўчқа ва одамнинг суягидан фойдаланиш динимизда мумкинми?

ЖАВОБ: Имом Муҳаммад “Сиярул кабир”да айтади: “Суяк билан даволаниш жоиз. Суяк қўй, мол, туя ёхуд бошқа ҳайвонларнинг суяклари бўлиши керак. Чўчқанинг ва одамнинг суяги бўлмаслиги керак. Суяк билан даволашда ҳайвон шаръий сўйилган ёки ўлимтик, ҳўл ёки қуруқ бўлишининг фарқи йўқ” (“Баҳрур роиқ”).

САВОЛ: Жароҳат етган аъзони ювиш мумкин бўлмаса, устига масҳ тортилар экан. Шунинг ҳам тортмаса, таҳорат мукамал бўлмайди?

ЖАВОБ: Таҳоратда ювиладиган аъзолардан бирида жароҳат ёки гипс бўлиб, уни сув билан ювиш зарарли бўлса, устига масҳ тортилади. Унга масҳ тортмаса, таҳорат тугал бўлмайди. Чунки масҳ тортиш ювишнинг ўрнига ўтади. “Мабсути Сарахсий” китобида “Мабсут”дан нақл қилиниб, бундай дейилган: “Жароҳат устига масҳ тортиш зарар қилмайдиган ҳолатда унга масҳ тортмаса, Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳимахумаллоҳ таҳорат дуруст бўлмайди, дейишган”.

САВОЛ: Бир танишимнинг соғлигига семизлик зарар бераётган экан. Бир ишончли шифокор ошқозоннинг бир қисмини кесиб ташлаш керак, дебди. Амалиётдан яхши чиқишига кафолат берар экан. Шу мақсадда бундай амалиёт ўтказиш мумкинми?

ЖАВОБ: Замонамизнинг кўзга кўринган уламолари ошқозонни кичрайтириш амалиётини ушбу шартлар билан рухсат берганлар:

- у озиш ёки тананинг шаклини чиройли қилиш учун бўлмаслиги керак;
- у амалиёт бошқа касалликларга сабаб бўлмаслиги керак;
- семизликни йўқотишнинг у амалиётдан бошқа йўли бўлмаслиги керак;
- аврат масаласига риоя қилиш керак.

Уламолар мазкур фатволарни фикҳий манбаларда келган шу масалаларга таяниб чиқаришган; “Бирор аъзога тушган қорасон касаллиги бошқа аъзоларга тарқаб кетмаслиги учун у аъзони кесиб ташлаш гуноҳ эмас. Қорасон касаллиги теккан қўлни кесиш, қориннинг ичини даволаш мақсадида

қоринни ёриш гуноҳ эмас” (“Фатавойи Оламгирия”).

“Ортиқча ёғли шиши бор инсон у шишни олиб ташласа, ҳалок бўлиш эҳтимоли бўлганда уни олиб ташлаши жоиз эмас. Агар ундай бўлмаса, яъни аксар ҳолатда муваффақиятли ўтса, зарари йўқ. “Хизонатул муфтийн” да ана шундай келган” (“Фатавойи Оламгирия”).

САВОЛ: Қўрққанда юрак тушиб қолиши бор нарсами? Нима қилса бўлади?

ЖАВОБ: Сиз сўраган саволни тиббиёт мутахассисларига бериш керак. Беморларга Қуръон оятларини ўқиб дам солиш мумкин. Беморларни мутахассисларга кўрсатиш билан бирга дам солиш ҳам тезда шифо топишига сабаб бўлади.

САВОЛ: Ислом дини тутқаноқ хасталиги ҳақида нима дейди?

ЖАВОБ: Бу савол ҳам тиббиёт мутахассисларига берилиши лозим. Қуръони карим оятлари шифо ва раҳмат бўлгани учун тиббий муолажалар билан Қуръон оятларини ўқиб дам солиш тавсия қилинади.

САВОЛ: Тушқунликдан қандай қутулиш мумкин?

ЖАВОБ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: “Мўминнинг ҳар қандай ҳо-

ли яхшидир. Унинг ҳар қандай ҳоли (соғлиқ ё беморлик бўлсин) ўзи учун хайрлидир. Бу фақат мўминларга хосдир. Унга яхшилик келса, шукр қилади, бу унинг учун хайрли бўлади. Агар унга ёмонлик (хасталик, мусибат) келса, сабр қилади, бу ҳам унинг учун хайрли бўлади” (Имом Муслим ривояти).

Уламоларимиз ҳаётда қандайдир муаммо ва тўсиқларга дуч келиб қолган инсонларга ҳадисларда келган “Йа Ҳалийму йа Алийм, йа Алиййу йа Азийм” дуосини ўқиб, сўнг Аллоҳдан астойдил ва чин ихлос билан ҳожатларини сўраса, иншоаллоҳ, У Зотнинг ёрдами билан муаммолардан халос бўлади, дейишган.

САВОЛ: Юздаги доғларни кетказиш мақсадида косметологга мурожаат қилса бўладими?

ЖАВОБ: Юздаги табиий доғларни табиий дори-дармонлар, суртиладиган малҳамлар билан кетказиш жоиз. Лекин табиий ҳолатдаги доғлар, модомики, одамга айб бўлмаса, жарроҳлик амалиёти билан кетказилмайди. Бу ножоиз иш, хилқатни ўзгартиришдир.

Касаллик ёки айб саналадиган доғларни эса маълум шаръий шартлар асосида косметик жарроҳлик билан даволаш жоиз.

САВОЛ: Оздирадиган протеинларнинг шариатда ҳукми қандай?

ЖАВОБ: Агар оздирадиган дори таркибида шариатимиз ҳаром қилган нарсалар бўлмаса ҳамда бу дори инсон саломатлигига салбий таъсир қилмаса, озиш мақсадида уни истеъмол қилишга динимиз рухсат беради. Лекин ҳар ишда мўътадиллик яхши, дорилар воситасида заифлик ва касаллик даражасида озиш жоиз эмас.

САВОЛ: Соч ўстирадиган дорилардан фойдаланиш ёки соч эктириш мумкинми?

ЖАВОБ: Соч тўкилиши бирор касаллик сабабидан бўлса, даволаниш мақсадида соч ўстирувчи, мустаҳкамловчи воситалардан фойдаланиш жоиз. Экилган соч одадий соч каби ўсадиган бўлса, бунда алдов бўлмайди. Лекин вақтинча ўсиб, бироздан кейин тўкилиб кетадиган бўлса, бу алдов ҳисобланади.

Демак, соч эктириш алдов учун, яъни совчилик каби ишларда ўзини ёш кўрсатиш мақсадида бўлмаса ва касаллик сабаб сочи тўкилиб кетган бўлса, шу нуқсонни тўғрилаш мақсадида соч эктириш жоиз.

Ўзбекистон
мусулмонлари
идораси Фатво маркази
Тел: (78) 150-33-44



Маҳалла идорасига борар эканман, бир хавотир миямда айланди: “...Яна ажримми? Яна кўнгил хира тортиб, хафа бўлиб қайтаманми?” Ҳа, бу ҳозирги давримиз – ҳаётимизнинг энг оғир нуқтаси, одамларни хавотирга солаётган, “давоси қийин дардимиз” бўлиб қолди.

тиб, уни кўриш, зиёрат қилиш мақсадида йўлга тушади. Узоқ йўл босиб, тоғлар, яйловлардан ўтиб, ниҳоят, қидирган манзилга етиб келади. Шайхнинг эшигини тақиллатади. Харақонийнинг хотини эшикдан туриб ундан нимага келганини сўрайди. Дарвеш Аллоҳнинг дўстини

зот нима жин уриб бундай бадфеъл, тили заҳар, оғзи шалоқ аёлни уида ушлаб (хотин қилиб) ўтирибди?!”

Ўрмонда шайхни топади. Қараса, шайх бир баҳайбат арслонга миниб олган, арслон устида ўтин, ўтинларнинг устида шайх, қўлидаги қамчиси эса каттакон бир илон эди. Харақоний дарвешнинг кўнглидан ўтган ўй-фикрларни илғаб, бундай дейди:


– Мен шу бадфеъл хотинга сабр қилиб яшаётганим учун Аллоҳ таоло бу арслонни менга итоат қилдириб қўйди» (“Маснавий”. VI жилд, 2044-байт).

Шайх – обрўли, халқ орасида машхур, таниқли инсон... У истаса, аллақачон хотинининг баҳридан кечиб, яхши аёлга уйланиши мумкин... Аммо ёмон феълли аёл билан яшаб туриб ўзининг сабрли инсон эканини намоён қилди, ўрнатди.

Эҳтимол, у ўсиб келаётган фарзандларини ўйлаётгандир... Эҳтимол, бу аёлни ўз хулқу атвори, иймон мукамаллиги билан тарбиялашга жазм қилгандир... Эҳтимол, бу аёлда бадфеъллигини оқлайдиган яхши хислатлари ҳам бордир...

Хуллас, шайх Харақоний бу ҳолатдан норози эмас, бу ҳолни Аллоҳнинг унга юборган сивови деб қабул қилиб, сабр билан яшаётир.

Яна бир мулоҳаза: талоқ бериш қийин иш эмас. Аммо “Аллоҳ таоло талоқни ёқтирмайди”. Суннатга хилоф талоқ берган эр аёли олдида ҳам, Аллоҳ олдида ҳам гуноҳкор бўлиб, қиёматда жавоб беради. Расу-



Оила ўчоғин ўти ўчмасин...

Оила – бу сўз аввалдан муқаддас саналиб келган. Унинг замирида тинчлик, хотиржамлик, бахт, келажак, ватан, бурч, садоқат, вафо, сабр каби инсоний тушунчалар борки, уни асраб-авайлаш ҳаёт давомийлиги шартидир. Инсон оилада туғилиб, оилада яшашининг ўз гашти, шартлари бор...

Диёримизда оилалар парокандалиги, ажримлар кўпайганининг асосий сабабларидан бири инсонларда сабр тушунчасининг йўқолиб бораётганидир.

Жалолитдин Румийнинг “Маснавий” асарида келтирилган бир ҳикоянинг қисқача мазмуни бундай: «Бир дарвеш Абул Ҳасан Харақоний исмли шайхнинг довуғини эши-

зиёрат қилиш учун узоқ шаҳардан келганини баён қилади. Бунини эшитган шайхнинг хотини қаҳ-қаҳ уриб кулади ва бундай дейди:

– Узун соқолингга боқ! Ҳеч ўйламай қилган ишингга, бу оворагарчиликка бир қара! Ҳей одам, сенинг бошқа қиладиган ишинг йўқмики, шунча вақтингни йўлларда зое этдинг?! Бир аҳмоқни кўриш шунча заҳматга арзийдими?

Дарвеш яна бир қанча ҳақоратларни эшитади, шайхнинг қаердалигини такрор сўрайди, жавоб бўлмагач, у ердан кетади, одамлардан суриштириб, шайхнинг ўрмонда эканини билиб олади. Йўл-йўлакай ўзича хаёл суради: “Шундай улуғ

луллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳалол нарсалар орасида Аллоҳнинг қаттиқ ғазабини келтирадигани талоқдир”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Абу Довуд ва Имом Ибн Можжа ривояти).

Бугун бир оилавий келишмовчиликлар билан маҳалаларга, судга мурожаат қилаётган эр-хотинларга ҳикоятдаги шайх мисолида сабрли бўлишларини тавсия қилардик.

Аёл – агар у яхши тарбия кўрган, ақлли, фаҳм-фаросатли, итоатли бўлса, эрининг, оиланинг, жамиятнинг кўрки, ютуғи, бахти! Акси бўлса, эрга Аллоҳдан юборилган синов. Бу жуда қийин... Харақоний ваҳший ҳайвонни ўзига бўйсундира олди, аммо аёлининг тарбияси олдида ҳалигача ҳаракатда, умид билан яшашда давом этяпти...

Бу мулоҳазаларимиз бадфеъл эрлар билан сабр қилиб яшаётган аёлларга ҳам тааллуқлидир. Ёмон турмуш ўртоқнинг атвориға, зулмиға сабр қилиб яшаётган аёлларимизу эркакларимизга Аллоҳим тўзим берсин. Оилалар қўрғони бузилмасин, сабримиз доимо ҳамроҳимиз бўлсин, зеро, **“Аллоҳ сабрлилар билан биргадир”** (Марям сураси, 65-оят).

Дилором КАРИМОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент

Ким нимага ишонса...

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Банда биллиб-билмай Аллоҳнинг розилигига сабаб бўладиган бир сўзни айтади ва у туфайли Аллоҳнинг даражасини кўтаради. Банда биллиб-билмай Аллоҳнинг ғазабига дучор қиладиган бир сўзни айтади ва у туфайли дўзахнинг мағриб билан машириқ орасидан ҳам чуқур бўлган жойига тушади”**, деганларини эшитдим» (Имом Бухорий ривояти).

Келинг, энди кундалик ҳаётимизда нималар дейишимизни бир таҳлил қилайлик:

1. “Уфф, ишим жонимга тегди!” – бундай деган инсон ўз ишидан асло завқ ололмайд.
2. “Озроқ пулим бўлсайди” – бундай фикрдаги инсонда доим оз пул бўлиши мумкин.
3. “Дугоналарим ғийбатчи” – бу сўз эгаси шундай аёллар даврасида қолади.
4. “Қанақа бўлса ҳам, бошпанам бўлсайди” – унинг ниятига яраша бўлади.
5. “Бирор машинам бўлсайди” – эски улов эгасига айланади.
6. “Ҳеч ким гулдаста бермайд!” – бундай фикрда норози юрган аёлга ким ҳам гул бергиси келарди?!

Бу каби жумлаларни яна давом эттириш мумкин. Тилдан чиқаётган сўзга эътиборли бўлиш керак. Инсон борини қадр-



лаб, қаноат қилса, яшаши осонроқ бўлади.

Аксинча, руҳиятшунослар маслаҳат берганидай:

“Менга бўлаверади”, деманг, “Менга энг яхшиси керак”, денг! “Чарчадим” эмас, “Дам олишим керак”, деб айтинг!

“Бўлиб туради”, деманг, “Бу менга тажриба бўлди”, денг!

“Вақтим йўқ!” эмас, “Кейинроқ бажараман”, деб айтинг!

“Ҳаракат қиламан”, деманг, “Иншоаллоҳ, бажараман”, денг.

“Ҳаммаси яхши”, дейиш ўрнига “Худо хоҳласа, барчаси аъло!” деб айтинг...

Бир йигит ишхонада тушликдан сўнг дуо қилиб, беш вақт намозни Каъбатуллоҳда ўқишни сўраркан. Унга бир шериги: “Орзуни қара!” деб устидан куларкан. Йигит ишдан кетади. Орадан саккиз йил ўтиб, унинг дуоси ижобатига ишонмаган шериги умра зиёратига боради ва тасодифан Байтуллоҳда ўша йигитга кўзи тушади-ю, йиғлаб юборади...

Асло нолиманг! Аллоҳга шуқр қилинг ва юқоридаги каби эзгу ниятларингиз ижобатини сўранг. Шунда ҳаммаси яхши бўлади...

Зухрахон ҲАМДАМОВА

Шайх Али Тантовий

Эй қизим!

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)



Барчамиз бизни танимайдиганлар наздида оддий одамлармиз. Ҳасад қилувчилар назарида мағрур кўринамиз, бизни тушунадиганлар учун эса ажойиб одаммиз. Севганларимиз назарида энг яхши, ёқтирмайдиганлар наздида ёмонмиз. Ҳар кимнинг ўз нуқтаи назари бор. Бошқалар олдида яхши кўринишга уриниб, ўзингизни чарчатманг. Аллоҳнинг сиздан рози бўлиши етарли. Одамларни рози қилиш етиб бўлмас орзу, Аллоҳнинг розилиги эса тарк этиб бўлмайдиган мақсаддир. Бас, етиб бўлмайдиганни тарк қилиб, тарк қилинмайдиганга етишинг.

Хайр-эҳсонимиз мунча ҳам оз!

Матлабимиз эса мунча ҳам буюк!

Кимнинг онаси ёки отаси ҳаёт бўлса, у учун жаннат эшиги очиқ экан.

Очиқ жаннат эшиги олди-дан ким кирмасдан ўтиб кетади?!

27 йил қозилик қилиб, эр-хотинларнинг ажралиши икки насада эканига амин бўлдим: ғазабидан кўзлари кўр бўлган эркак ва унга жавоб берган аҳмоқ хотин.

Ҳидоят йўлларида юр, бу йўлнинг йўловчиси камлиги сени алдаб қўймасин. Заллат йўлларида кирма, у йўлнинг йўловчиси кўплиги сени алдаб қўймасин.

Улар Юсуф алайҳиссаломни ўлдиришни хоҳладилар, бироқ у ўлмади. Қулликка сотиб юборишди. У эса подшоҳга айланди. Бас, албатта, Аллоҳнинг иродаси барчанинг хоҳишидан устунроқдир. Хотиржам бўлавер!

Қалб саодатига эришишнинг энг осон йўли қалбларга саодат киритишдир. Дунё лаззатларининг энг буюги бошқаларга яхшилик қилишдир. Мен бошингизни баланд кўтариб, хўмрайиб, ўзингизни катта олиб

фақирга отиб юборган пулингизни назарда тутмадим. Мен фақатгина қўлингиз билан эмас, қалбингизни қўшиб тақдим қилган ёрдамингизни назарда тутдим. Бунда қўлда мол, лабда табассум бўлади!

Аёл кулган кулба аёл йиғлаган қасрдан яхшироқдир.

Аёл омонат. У авайлаш учун яратилган.

Ҳижобнинг маъноси “Менга қараманг!” деганидир. “Қалай, чиройли эканманми?!” дегани эмас...

Ҳамма аёллар очилиб кетганда ҳам эркак кўзини ҳаромдан тийиши шарт.

Ифбатли аёлнинг юкини виждонли эркакларгина кўтара олади.

(Давоми бор.)

Таржимонлар

Иймон Али

КИТОБ АЛИЕВ,

Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ

Ахборот асрида яшаймиз. Бугун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий янгиликлар ҳар қадамда. Шу билан биргаликда ҳар бир хонадоннинг дастурхони, сири, бахтли они, аламли дами... барчаси интернет саҳифаларида. Айниқса, кейинги пайтларда ўз эрига хиёнат қилиб, шарманда бўлган, телефон орқали бегона эркак билан “севишиб”, оиласи бузилган, шу билан бирга шу номаъқул ҳолида тасвирга олиниб, видеоси тарқатилаётган

Динимизнинг бу каби амрларини ўрганганимдан сўнг масалага бошқача кўз билан қарай бошладим. Аслида аёл-қизлардаги ибодат-ҳаё иймоннинг бир гўзал аломати эканини тушуниб етдим. Шу сабабли ҳам жамиятда кузатилаётган айрим ҳолатларни ҳазм қилиб кетиш мумкин эмасдек, назаримда.

Аслида асрлар давомида ҳаёсини бошига тож қилган ўзбек аёлининг тимсоли кескин ўзгариб кетаётганини кўриш

қайтади” (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти). Яъни, зино қилиш – оғир гуноҳ. Ҳатто инсонни иймондан айро тушириши мумкин, агар уни ҳалол санаса...

Афсусланарлиси, айрим аёллар мана шундай жирканч ишга қўл уриб, иккита улкан гуноҳни содир этмоқдалар:

1) ўзининг ҳалолу пок эрига хиёнат қилиш;

2) Аллоҳ қайтарган гуноҳни содир этиб, Унга осий бўлиш.

Бу гуноҳ содир бўлгач, аёл

Обрўни тўкади, ризқни қияди, умрни қисқартиради

аёлларни кўриш мумкин.

Зино ҳаром. У Аллоҳга ширк келтириш, ноҳақ одам ўлдириш каби энг катта гуноҳи кабиралар билан бир қаторда саналади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа “илоҳ”га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар)ни (иймонсиз ҳолда) қилса, гуноҳга (уқубатга) учрар, қиёмат кунинда унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. Илло, кимки тавба қилса ва иймон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилиқ (савоб)ларга айлантириб қўяр»** (Фурқон сураси, 68–70-оятлар).

мумкин. Бу эса ўз ўрнида оилаларнинг бузилишига, бунинг оқибатида жамият парокандалигига сабаб бўлмоқда.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: **“Банда зино қилганда ундан иймон чиқиб, бошининг устида соябон каби бўлиб туради. Четлангач, иймон унга**

нафақат ўзининг, балки бутун аҳли оиласининг ҳам обрўсини тўкади. Жамият, инсонлар орасидаги тинчликни бузиб, улар ўртасига низо солади.

Гоҳида аёллар ўртасида ушбу мавзудан сўз очилса, улар норози оҳангда: “Эркаклар ҳам тинимсиз аёлига хиёнат қилади, нега фақат аёлларнинг айби ҳақида гапирасиз?!” дейишади.

Бу эътироз ҳам ўринли. Фақат биз мавзунинг бир жиҳатини тилга олдик. Эркак содир этадимиз, аёлми, зино оғир гуноҳ! Унинг жазоси эркак содир этгани учун камайиб қолмайди. Чунки зинони ким қилмасин, ҳаммадан ҳам рашкчироқ бўлган Зот – Аллоҳ азза ва жалла ғазабланади!

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шахри



“Мен Робия...”

(ёхуд мўминалар учун
ҳаёт қўлланмаси)

“Мен Робия...” китобини кўрганимда қалбимга ажиб ҳузур югурди. Анчадан бери излаб юрган қадрдонимни топгандек бўлдим.

Робиятул Адавия ҳаётига оид қиссаларни интиқиб ўқирдим. Унинг ҳаётини бир бутун ҳолда ўқиш, ўрганиш имконини берган бу китобни кўриб қувонганимнинг сабаби шу...

Робиятул Адавия – валий аёллардан бири. Унинг зуҳди, тақвосини нафақат Басрада, балки бутун Ироқда, ҳатто Ҳижоз томонларда ҳам билишади. Ундан аввал ҳам, кейин ҳам авлиё аёллар етишиб чиққан. Фақат Аллоҳ уларнинг айримларини кўздан пана қилган, бошқаларини эса барчага бирдек севимли... Робиятул Адавия барчага бирдек севимли қилинди.

Асар аввалида Робиятул Адавиянинг мақомлари очиб берилгач, кексайиб, бемор бўлган Робия билан унинг хизматида бўлиб,

маърифатидан улуш олаётган Абда бинти Шаввол ўртасидаги суҳбатлар орқали чин бандалик қилишни истаган инсоннинг ибодати, Аллоҳнинг қаршисида “туриши”, ҳаётнинг турли қийинчилик ва муаммоларига қарши муносабати қандай бўлиши кераклиги, ҳожати бўлган ҳар нарсани бандалардан эмас, Аллоҳдан сўраш ҳақида бизларга дастуриламал берилади. Эътибор беринг, Робиятул Адавия бемор... Туришга мажоли йўқ... Шу пайт Абда шўрва тайёрлайди ва бир воқеани эсга олади: «Пиёз шўрвани Робия яхши кўради. Кунларнинг бирида кўнгли пиёз шўрва тусайди, бироқ уйда пиёз қол-

маган экан. Абда: “Кўшнидан сўрай қоламан”, деди. Аммо Робия рози бўлмади: “Неча йиллар аввал Аллоҳдан ўзгадан ҳеч нарса сўрамасликка онт ичганман. Илтижом – ўнг қўлим чап қўлимга муҳтож бўлмасин. Майли, бугун пиёз шўрва ичмай қўя қолайлик”»

Робия хаста... Туришгагина эмас, бирор нарсага суяниб ўтиришга ҳам ҳоли йўқ. Хонадаги ягона матоҳи титилиб кетган намат ҳам ёстиқ ҳам тўшак вазифасини бажаради. У эса ҳар ҳолига шукр, ҳар онига ҳамд айтади. Неъматлар, жиҳозлар, либослар билан тўла хонадонда яшаб тинимсиз бир-бирларига шикоят қи-



лаётган опа-сингиллари-миз китобни ўқиб, ўз ҳаётларига назар солсалар, яхши бўларди...

Азон чақирилмоқда... Робия илоҳий чорловга чуқур тафаккур билан кулоқ тутмоқда. «Робиянинг одати шунақа – ҳамма нарсага биринчи ва охирги марта гувоҳ бўлаётгандек тутади ўзини. Тонг отганда, “Бугун менинг ўлим куним”, деб бутун кунни ибодат билан ўтказади. Кеч тушганда эса, “Бугун менинг ўлим кечам”, деб тонггача ибодат қилади», деб ёзади муаллиф. Баён этилган бу ҳол ҳам сизу бизга ўрнак. Зеро, бу ҳаётнинг қачон тугаши, қачон банда сўнгги нафасини бериши, қай бир ўқиган намози охиргиси бўлишини билмайди. Яратганнинг розилигини истаган мўмин эса бунинг исботини ўз ҳаётида яшаб, ўрнак бўлган бу муборак аёлдек йўл тутса, не тонг!

Асар давомида Абда Робиятул Адавиядан ҳаёти ҳақида айтиб беришини сўрайди. Бироз куч тўплаган муборак зот ўз ҳаёт йўлини сўзлаб беради. Ҳикоянинг Робиятул Адавиянинг ўз тилидан айтилиши ҳам асарнинг ишончли ҳамда таъсирли чиқишини таъминлаган: “Умр дегани нима ўзи, Абда? Умр бир лаҳзадан, яъни кўз очиб

юмгунча ўтадиган вақтдан иборат”, дея ҳикоясини бошлаган Робия туғилишида содир бўлган илоҳий мўъжизалардан бизларни хабардор қилади.

Гап шундаки, бу муборак аёлнинг отаси Исмоил Иломни қабул қилгач, Раббига итоат этадиган банда бўлиб, илмга муҳаббат қўяди. Бироқ оила қийинчиликда кун кечиради. Чунки инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар, деган ҳикматдан беҳабар жоҳилият кишилари озод қилинган қулга иш беришни ишташмайди. Қийинчиликлар ортган бир дамда Робия – тўртинчи қиз дунёга келади. Очликдан йиғлаётган гўдак ҳурматидан Аллоҳ азза ва жалла оилага қут-барака ёғдиради.

Уйда на чироқ бор, на очликдан силласи қуриган она кўксига чақалоғини эмизишга бир томчи сут. Иложсизликдан Раббига ёлвориб кўзи илинган отанинг тушига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кириб, чақалоқнинг нурли келажагидан башорат берадилар ва жума кечаси у зотга салавот айтишни унутган Исо Зазанга бориб, унутилган 400 салавот каффорати учун ундан 400 диноҳ сўрашни айтадилар. Шундан кейин Робиянинг

баракотидан оила рўшнолик кўради.

Робиянинг отаси вафот этади. Кейин эса бутун Басра халқи даҳшатли очлик билан синалади. Шу дамда тирикчилик ғамида кезинаётган қизларнинг йўллари айро тушади. Робия ва унинг опалари чўри қилиб сотиб юборилади. Қуликдаги ҳаёти, чеккан машаққатлари унинг учун чин маънодаги қуллик – бандаликка тайёрлайди. Машаққатлар ёш Робияни Аллоҳга янада яқинлаштиради. Кимсасиз қолиб кетган қиз имкон топди дегунча ибодат қилади, Аллоҳга ёлвориб нажот сўрайди. Чин дилдан қилинган илтижолар уни озодликка олиб чиқади. Бир куни хўжайини унинг илтижосини эшитиб қолади. Ўзининг қилаётган зулмлари устидан Яратганга шикоят қилинаётгани кўзларини очади. Тавба қилиб, қизни озод этади.

Робиянинг йўли, ўзини тутиши, руҳий ҳолати эса бизга мажозий маънода “борар жойини” билмаган кимсанинг ҳолидан дарак беради. Диққат билан мутолаа қилган китобхон ҳаёт йўлларида адашиб қолмаслик учун “мақсадни аниқ белгилаб олиш” лозимлигини тушуниб етади...

Нигора МИРЗАЕВА




УЧ баробар КУЧЛИРОҚ...

Ота-онани эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш – Ислом одобларидан.

Раббимиз Ўзининг розилигини ота-она розилигига боғлаган. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло муқаддас Китобида қуйидагича таълим берган: **«Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди.** (Эй инсон!) **Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “Уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!»** (Исро сураси, 23-оят).

Аллоҳ таоло онани отадан ҳам устун қўйган. Она ўз фарзандларининг яхшиликларига тўлақонли му-

носиб, чунки у уларга ҳеч ким бера олмайдиган нарсани беради. Ҳомилани ойлар давомида кўтаради. Кейин чидаб бўлмас оғриқни бошдан кечиради – туғади, тунлари ширин уйқусидан кечиб, кўкрак сути билан озиқлантиради, то боласи улғайгунча бошида парвона бўлади. Аммо бола улғайгач, қаршисида ўзини ҳамма нарса билан таъминлаётган отасини кўради. Отаси ўзининг хоҳиш-истакларини амалга ошираётганига, унга керакли нарсаларни харид қилиб келаётганига гувоҳ бўлади ва натижада отасини онасидан устун деб ҳис қила бошлайди.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган

машҳур ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам онага меҳрибонлик қилиш зарурлигини уч бор такрорлаганларидан кейингина отани айтганларини биламиз (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Ибн Можа ривоятлари).

Ушбу ҳадис онага берилаётган меҳр отага кўрсатилаётган меҳрдан кўра кучлироқ бўлиши кераклигига далолат қилади.

Чунончи, кўпчилик уламо мазкур ҳадисга асосланиб, она яхшиликка отадан уч баробар кўпроқ лойиқ. Негаки, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам онани уч марта, отани эса бир марта зикр қилганлар, дейишади.

Имом Нававий “ал-Минҳожий саҳиҳи Муслим ибн Ҳажжож” китобида ушбу ҳадисни шарҳлар экан, жумладан, қуйидагиларни ёзади: “Ҳадиси шариф қавму қариндошларга яхшилик қилишга ундаб, онадан кейин ота, сўнг-ра қариндошлар орасида энг яқинларига яхшилик қилиш зарурлигидан таълим берган”.

Имом Қуртубий “ал-Жомий фи аҳком ал-Қуръон” китобида бу ҳақда қуйидагини ёзган: “Ушбу ҳадис онага меҳр отага бўлган меҳрдан уч баробар кучлироқ бўлиши кераклигига далолат қилади. Чунки Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам онани уч марта, отани



Алла



Бешикда ётган гўдак йиғлади. Аёл овутомқчи бўлди. Аммо гўдак йиғини авжига чиқарди.

Туғуруқхонадан чиқишганига бир ҳафта бўлибдики, ҳар куни кечкурун шу аҳвол. Чақалоқ йиғлайвериб, охири чарчаб ухлаб қолади.

Бугун ҳам шу ҳол такрорланди. Жонининг бир парчаси бўлган гўдагининг йиғиси аёл қалбини остин-устун қилиб юборди. Қалбининг туб-тубидан чиққан ўзидан норозилик ҳисси юз-кўзларида зоҳир бўлди. Сўнгра меҳрга қоришиқ сўзлар тилига чиқа бошлади:

– Бешикдаги полвоним, алла,

Қалбгинамнинг султони, алла!

Хаёлидан “Эрим эшитиб қолмадимикан?!” деган ўй ўтди. Елкалари билинар-билинемас қисинди, боши бирозгина эгилди, юзларига қизиллик югурди. Аммо алла сўзларини ўзи базўр эшитди. “Нима қилай, болажоним?! Сенга алла айта олмаяпман...” Кўз ёшлари яноқларига оқди. Гўдагини овутиш ниятида бешикни оҳиста тебрата бошлади. Чақалоқ яна баттарроқ йиғлади.

Шу пайт эшик зарб билан

очишиб, хонага эри кириб келди.

– Қанақа бемеҳр онасан?! Бир ҳафтадан буён болани қийнайсан! Алла айтсанг бўлмайдимми?! – деди.

Аёл эрига қаради. Унча-мунчага жаҳли чиқмайдиган эрининг юз-кўзларида хотинига нисбатан ғазаб акс этарди. Аёлининг ёшли кўзларида иложсизликни кўрган эр зумда жаҳлидан тушди. Бешик ёнига ўтирди. Оҳиста тебратиб, ўзи алла айта бошлади:

– Ухлаб қолгин, болам-а, алла,

Ором олгин, болам-а, алла...

Йиғлаётган гўдак жим бўлиб қолди. Дадасининг алласини тинглай бошлади. Сўнгра кўзлари оҳистагина юмилди.

Эркак бешикнинг говрапўшини қия очиқ қолдирди. Хонадан чиқар экан, ортига бурилиб аёлига қаради. У кўз ёшлари аралаш эрига миннатдорлик ҳисси билан боқиб турарди. Эр хотинини тушунди, раҳми келди.

– Алла айтишни билмасанг, ёдла. Топа олмасанг, ёзган шеърингни чўзиб айт, аллага айланади. Ҳар икки қаторидан сўнг “алла” деб қўшиб қўйсанг, яна ҳам чиройли чиқади.

Аёл билинар-билинемас жилмайди. Шу кундан бошлаб эркак ҳар кеча гўдагини алла айтиб ухлатадиган бўлди.

Орадан бир ярим ойча ўтди. Аёл ўйлади: “Барибир алла айтишим керак! Аммо...”

Тўйи бўлаётганида онасини эслаб кўзёш тўккани, отасининг дуо қилганини эслади. Сўнг яна ўтмиш – бир укасига, бир акаси, изидан онаси вафот этгани кўз олдидан ўтди.

Саккиз йил бўйида бўлмагани боис қайнопасининг: “Айб келинда бўлса, уни ҳайдаймиз”, дегани, синглиси, ака-укаларини йиғиб “Бирорталаринг болаларингдан бири-ни беринглар, оилам бузилмасин. Болаларингга ўз боламдек қарайман. Ҳеч нимага зориктирмайман. Яхши жойларда ўқитаман. Олий маълумотли қиламан”, деб зорланишига жавобан уларнинг миқ этмай туришлари...

Муштипар, бир бурдагина бўлиб қолган қайнонасининг умидвор оҳангда: “Бирорта янгилик борми, келин?” дея жовдираб қараб туриши,

гоҳида йиғлаб: “Агар неварам бўлса, этагимга солсам, кейин ўлсам, армоним қолмасди”, деган сўзларини қайта эшитгандай бўлди.

Тунлари ухлай олмай йиғлашлари, эрининг юпатиб: “Йиғлама, ҳаммаси яхши бўлади, ҳали менга бир этак бола туғиб берасан”, дея овутишлари ёдига тушди...

Аёл тўлиб-тошиб алла айтар, айтгани сари алла сўзлари қалбидаги тоғдек дардларини ёмғир мисоли эритар, эриган дардлар эса ўзанини бузгудек бўлиб кўзларидан сел каби тўлиб-тошиб чиқарди. Оналик меҳру муҳаббати қалбини буткул зангдан аритиб, бутун вужудини ишғол қилди.

Аёл қанча вақт алла айтганини билмади. Кўз ёшларидан рўмолининг икки учи хўл бўлиб кетганди.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Аллоҳ таоло умрини узоқ, ризқини зиёда қилишини хоҳласа, ота-онасига яхшилик қилсин, қариндошлик алоқаларини боғласин”**, дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

Ойгул УБАЙДУЛЛА
қизи

Фарзандсизликнинг давоси

Ҳикоя қилинишича, бир йигит масжидга (фарз) намозлари ўқилмайдиган вақтда кирди. Шу вақт ёши улуғ киши уни кўриб:

– Эй болам, бу ерга кел, намоз ўқилмайдиган вақтда масжидга келибсан, юзингни ғам-қайғу эгаллабди, сенга нима бўлди? – деди.

Йигит:

– Отажон, уйланганимга бир неча йиллар бўлди, ҳануз Аллоҳ мени ризқлантирмади (фарзанд кўрмадик), бормаган табибим қолмади, биронтасидан шифо топмадим, – деди.

Кекса киши фарзанд кўрмаган бу йигитга:

– Болам, ўтиргин, мен сенга ҳозир бир дорини бераман, бу дори(ни ичиш) ғоятда қийин, аммо-лекин, Аллоҳга қасамки, унда шифо бордир, – деди.

Йигит:

– Отажон, у қандай дори? – деб сўради.

Кекса киши:

– Бу дори шуки, сен ва аёлинг бомдод намозидан бир соат олдин туриб, дастлаб ярим соат таҳажжуд намозини ўқиб, кейин истиғфор айтинглар, – деди.

Аллоҳ таоло айтади: **“Бас, ўз Раббингизга истиғфор айтинг, албатта, у гуноҳларни кўплаб мағфират қилувчидир, дедим. У Зот осмондан устингизга кетма-кет (барака ёмғирини) юборадир. Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад берадир ва сизларга боғу роғлар ҳамда анҳор-**

ларни берадир. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг азаматини ўйлаб кўрмайсизлар? Холбуки, у сизларни ҳолат-ма-ҳолат яратди” (Нух сураси, 10–14-оятлар).

Йигит дарҳол аёлининг олдига бориб:

– Азизам, Аллоҳга ҳамд бўлсин, дори топдим, лекин қийин экан, – деди ҳаяжонланиб.

Аёли:

– Азизим, у қандай дори? – деди.

Эри:

– Бомдод намозидан бир соат олдин туриб, таҳажжуд намозини ўқиб, сўнгра истиғфор айтишимиздир. Шунини қилишга тайёرمىсан? – деди.

Аёли:

– Азизим, албатта, тайёрман, – деди.

Эри:

– Қачон бошлаймиз? – деди.

Аёли:

– Бугундан бошлаймиз, иншоаллоҳ! – деди.

Йигит аёли билан бирга шу амални қила бошлади, ўн беш кун ўтганидан кейин аёлида ҳомиладорлик аломатлари кўринди.

Аллоҳ азза ва жалла фарзанд кўриши кечикаётган биродарларимизга солиҳ-солиҳа зурриётлар ато этсин!

Насиба БОТИРОВА,

Қашқадарё вилояти
бош имом-хатибининг
хотин-қизлар масалалари
бўйича ёрдамчиси



Ҳар куни қандай савоб топасиз?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Енгил ибодатлар

Бир кунда неча марта таҳоратхонага борасиз?

Кечирасиз. Бу саволимга ҳайрон бўлманг. Майли бошқа саволимга жавоб беринг! Таҳоратхонага боришингизда ажр умид қилиш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?!

“Қанақасига?” дерсиз?!

1. Ҳар сафар холога кираётиб ўқийдиган дуоингиз учун бериладиган ажр. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Набий алайҳиссалом холога кираётиб: **“Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубси вал хобаис”**. Яъни: “Ё Аллоҳ, Сендан эркак ва урғоччи шайтонлардан паноҳ беришингни сўрайман”, дердилар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

2. Холодан чиқаётганда такрор айтадиган дуоингиз ажри. Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом холодан чиқаётиб: **“Ғуфронака”** (“Мағфират этгин”), дер эдилар.

3. Оёқ кийимингизни кийишни ўнг тарафдан бошлаб, чапдан ечиш орқали Набий алайҳиссаломга эргашиш ажрини умид қилинг.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қиладилар: **“Сиз-**

лардан бирингиз оёқ кийимини киймоқчи бўлса, ўнг томонидан бошласин. Ечишни чап томонидан бошласин. Ўнг оёқ кийим биринчи кийилиб, охириги бўлиб ечиладиган бўлсин” (Имом Бухорий ривояти).

4. Холога чап оёқда кириб,



ўнг оёқда чиқишда ҳам Набий алайҳиссаломга эргашиш ажрини умид қилинг. Холога ўнг оёқда кириб ва у ердан чап оёқда чиқиш мустаҳабдир. Азиятни кетказишда чап қўлдан фойдаланиб, ўнг қўл ундан бошқа нарсаларга ишлатилади.

Ҳар куни бажариладиган суннатлар

Киши кунига беш маҳал холога боришга эҳтиёж сезади деб тасаввур қилсак, у юқорида айтилган суннатларни бир кунда йигирма марта татбиқ қилса бўлади.

5. Аллоҳ таоло сизни яхши

кўришини ҳам умид қилинг. Чунки барча ҳолатларда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга эргашиш Парвардигорнинг муҳаббатига сазовор қилади. Қуръони каримда бундай дейилади: **«Сиз: “Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилади”, деб айтинг. Аллоҳ Ғафур ва Роҳиймдир»** (Оли Имрон сураси, 31-оят).

Азизам!

Агар Қуръони каримни ёдлаш, кечалари таҳажжуд, кундузлари рўза тутиш каби ибодат ва амалларга ғайратингиз етмаётган бўлса, ушбу кемтик ўрнини осонлик билан тўлдиринг.

Осон бажариладиган ибодатлар кўп. Одатда киши уларга бепарво бўлади. Агар улардан бир амални танлаб, доимий бажариб юрсангиз, катта-катта яхшиликларга эришасиз. Масалан, саломга алик олиш, акса урган кишига ташмит айтиш, табассум қилиш, ширин сўз айтиш, ишларни ўнг қўл билан бажариш кабилар.

Хосиятхон ҚОСИМОВА,

Сурхондарё вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси

Дуолар кўрғони

(Давоми. Бошланиши
ўтган сонда.)

Кўрққанда

Бирор кишидан қўрққан-
нимда бундай дейман:

اللهم اكفهم بما شئت

**“Аллоҳумма икфиний-
ҳим бима шиъта”**

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Ўзинг
истаган нарса билан мени
улардан асра”.

Аллоҳ доимо мен билан-
дир... Парвардигор мени бар-
ча ёмонликлардан асрашга
Қодир. Аллоҳ Одил. У ҳеч қачон
зулм қилмайди. Мен ҳам
одамларга зулм қилмайман
ва уларга зарар бермайман.
Аллоҳ таолодан золимлар-
нинг ёмонлигидан паноҳ тила-
лайман.

Эснаганда



Эснаганда қўлимни оғ-
зимга қўйиб, имкон қадар
эснашни қайтараман ва
“Астағфируллоҳ” дейман.

Эснаётганимда ҳеч қачон
овоз чиқармайман. Чунки
шайтон эшитса, устимдан
кулади. Эснасам, “Астағфи-
руллоҳ”, дейман.

Кечки зикрлар


اَللّٰهُمَّ بِكَ اَمْسَيْنَا وَبِكَ اَصْبَحْنَا وَبِكَ نَحْيَا
وَبِكَ نَمُوتُ وَاِلَيْكَ اَلْتَشْوُرُ

**“Аллоҳумма бика амсай-
наа ва бика асбахнаа ва би-
ка наҳя ва бика намууту ва
илайкан нушуур”.**

Маъноси: “Эй Аллоҳ, Сенинг
номинг ила кечга кирдик. Се-
нинг номинг ила тонг оттир-
дик, Сенинг номинг ила тири-
ламиз ва Сенга қайтажакмиз”
(Имом Абу Довуд, Имом Терми-
зий, Имом Насоий ва Имом Ибн
Можалар ривояти).

Фарқни топинг

Лайло чиройли сурат кўр-
ди. Унга қараб расм чизишга
уринди. Лекин асл суратда
бор бешта нарсани унутди.



Сиз иккала суратга диққат
билан назар солиб, бешта
фарқни топинг.

Уйқу олдидан ўқиладиган дуолар

**Ўнг томон ёнбошим би-
лан ётиб: “Бисмикаллоо-
ҳумма амууту ва аҳяа”, деб
айтаман. Маъноси: “Ё Аллоҳ!
Сенинг исминг билан ўламан
ва тириламан”.**

**2. Муовизатайинни 3 мар-
та ўқиб, кафтларимга дам
солиб, қўлим етган жой-
ларга сураман.**

**3. Оятул Курсийни ўқий-
ман.**

**Уйқуда қўрққанда
ёки алаҳсираганда
ўқиладиган дуо**



أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَعِقَابِهِ
وَشَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ
يَحْضُرُونِ

**“Аъзу биллаҳи бикали-
маттиллаҳит таммати мин
ғозабиҳи ва ғиқобиҳи ва
шарри ғибадиҳи ва мин ҳа-
мазатиш шаятийни ва ан
яхзурун”.**

Маъноси: “Аллоҳнинг му-
камал калималари билан
Унинг ғазабидан, иқобидан,
бандаларининг ёмонлигидан,
шайтон ва унинг ҳозир бўли-
шидан паноҳ тилайман”.

Кечаси Иброҳим ўрнидан
туриб тўшакни бошига ёпиб
олди ва эшик орқасига беки-
ниб, хонага кириб келаётган
синглиси Шаҳлони кўрқитди.

Шаҳло кўп йиғлади ва
Иброҳим қилган ишидан аф-
сусланди.

Нима деб ўйлайсиз:
Иброҳимнинг қилган иши
тўғрими ёки хатоми?

У синглисидан кечирим
сўраши шартми ёки йўқми?

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Ҳайздан кейин қонли сизот келиши

Савол: Аёл бир йилдан буён ҳайз кўрмайди. Яъни қонли сизот кўра бошлади. У аёл намоз ўқийдими ёки намоз ўқишни тўхтатиб турадимиз?

Жавоб: Агар қон уч кун давомли келса, ҳайз бўлади. Агар ундан кам келса, истиҳоза бўлади. Истиҳоза вақтида намоз ўқилади. Истиҳоза ҳолатида таҳорат олишнинг ўзи етарлидир. Ғусл қилиш шарт эмас.

Бачадондаги касаллик сабаб қон келиши

Савол: Аёлнинг ойлик одати бир тарзда эмас. Боиси етти баъзан ўн кун қон кўради. Унда ҳайздан тоза бўлгандан тўрт кун ўтиб, ҳайз оғриғи бўлди. У ҳар намозни янги таҳорат билан ўқишда давом этди. Лекин уч кундан кейин қон келиши кўпайиб кетди. Кейин намоз ўқишни тўхтатди.

Шифокор аёл бачадонидан касаллик борлигини айтди. У ўқимаган намозларини ўқийдими?

Жавоб: У аёлдаги ҳолат ҳайз одатидан ошиб, ўн кундан ҳам ўтса, домий одати эътиборга олинади. Одат кунидан ошгани истиҳоза бўлади. Истиҳозада қон келиб турса ҳам, намозни ўқиш лозим.

Бачадонни олдириб ташлангандан кейин қон келиши

Савол: Бир ой аввал бачадонини олдириб ташлаган. Аёл қора рангда қон кўрди. У таҳорат олиб намоз ўқийдими ёки йўқ?

Жавоб: Бачадон олдириб ташлангандан кейин келадиган қон ҳайз бўлмайди. У истиҳозадир.

Бачадон уяси олдирилгандан кейин келадиган қон

Савол: Ёши эллик тўққизда бўлган аёл. Қирқ уч ёшида бачадонининг уясини олдириб ташлаган. У ҳайз кўрмайди. Эри билан бўлгандан сўнг озгина қон келди. Ғусл қилгандан кейин ҳам қон келди. Ушбу қоннинг ҳукми нима? Аёл қон теккан кийимларини ювиши керакми? Унга таҳорат олиш жожибми?

Жавоб: У қон таҳоратни бузади ва кийимни нопок қилади. Агар шифокор бачадон уясини олдириб ташлагандан кейин ҳайз қони келмайди деган бўлса, у ҳайз қони бўлмайди.

Эллик ёшларда сизот аралаш қон келиши

Савол: Эллик икки ёшдаги аёл тўрт ой ҳайз кўрмаган. Ҳайз келиши муддати тартибли эмас. Қовуғини силаганда қон аралаш сизот келаетганини сезади. Бу ҳол ўн кундан ўн беш кунгача давом этди. Ундан сўнг ҳайз келди. Ҳайз одати муддати етти кун. Қон аралаш келган сизотлар ҳайз деб эътиборга олинадими?

Жавоб: Ҳайз кунларида келган ҳар қандай ранг, у қанчалик оз бўлмасин, ҳайз ҳисобланади. Ўн кундан ошгани истиҳоза бўлади.

Оиса (ҳайздан қолган аёл)нинг қон кўриши

Савол: Олтмиш ёшдан ошган аёлда ҳайз келиши анча олдин тўхтаган. Охириги икки кун ичида у қон кўрди. Шифокор унга: “Бачадонингизни тозалатишингиз керак. Пешоб йўлингиз ва ичагингизда шамоллаш бор”, деди. У аёл ғусл ва таҳорат олгандан кейин намоз ўқиши мумкинми?

Жавоб: Ҳайздан қолган аёл фақат тим қора ёки қирмизи қизил қон кўрсагина ҳайз бўлади. Акс ҳолда истиҳоза бўлади.

Оқ сизотсиз, қуруқлик билан поклик кўриши

Савол: Аёлнинг ҳайзи бомдод азо-



нидан олдин тўхтади. У ғул олиб, рўза тутди. Сўнгра бомдод азонидан кейин унга оқ сизот келди. Ушбу оқ сизот ҳайздан деб эътибор қилинадими? Тутган рўзасининг ҳукми қандай?

Жавоб: Агар ғул қилганидан кейин аёлдан қон ранглари-дан бирортаси келмаса, унинг рўзаси дуруст бўлади.


Ҳайз тугаганини аниқлаштириш учун ғул қилишни кечиктириш

Савол: Аёл ойлик одат келгандан кейин қон қайтиб келмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун эртаси куни ғул қилди. Бу кунги намозларнинг ҳукми қандай?

Жавоб: Ҳайз қони тўхтаган аёл намоз вақти яқин келганда ғул қилиши ва намозларни ўқиши вожиб бўлади. Ҳайз тўхтагач, бир кундан сўнг ғул қилиб намоз ўқиши мумкин эмас. Агар шундай қилган бўлса тоза бўлгач, ўқимагани намозларнинг қазосини ўқиш лозим. Акс ҳолда гуноҳкор бўлади.

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи

Отага тик боқма...



Яқинда ижтимоий тармоқда бир видеога кўзим тушди. Ўсмир йигит отасига ақл ўргатяпти, бу ҳам етмагандай, ноқобил фарзанд тутақиб, муштумзўрлик қияпти. Афсус, бу сингари ўғил-қизлар орамизда йўқ эмас.

Аслида, ота-она фарзанд учун ой билан қуёш кабидир. Улар ҳаётимизга нур ва маъно бағишлайди. Аллоҳ асрасин, ота-онасини норизо қилган кимсалар шу неъматлардан бебаҳра бўлиб, ҳар қадамда қоқилади, бошини дуч келган деворга уради. Тўғри, у қилган ишидан кейинчалик пушаймон бўлиб, надомат қилади. Аммо сўнгги пушаймон – ўзинга душман.

Солиҳ фарзанд ота-онасига қанча кўп яхшиликлар қилса, уларни қадрласа, хизматларини қилса, Аллоҳ таолога шунча яқин бўлиб бораверади. Бундай банда бу дунёда ҳам, охирада ҳам саодат топади.

Бир куни Анушервон мажлис уюштириб, йиғилганлардан сўрабди: “Гулларнинг орасида энг ширин ҳидлиси қайси?” Одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит дарҳол жавоб берибди:

– Ота-онаси тириклигида уларни хурсанд қиладиган, вафот этганларидан сўнг эса уларнинг номларини боқийлаштирадиган ҳаёт гули, яъни фарзанднинг ифори.

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий бундай ёзади: «Аллоҳ таоло Тав-

ротда, Инжилда ва Қуръонда барча пайғамбарларга: “Розилигим ота-онанинг ризосида, ғазабим уларнинг ғазабидадир”, деган».

Энди ота-онага тик боққан, уларга ҳурматсизлик қилган фарзанднинг аҳволини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Улар бир кун келиб хатосини англаб етадилар ва виждон азобидан қийналадилар. Зотан, улуғ шоиримизнинг ушбу тўртлиги ҳаммамизни теран мушоҳадага ундайди:

Отага тик боқма, иймонинг сақла,

Фарзандсан, сен доим бурчингни оқла.

Отага тик боқсанг, кун ўтиб бир кун,

Фарзандинг сенга тош отмоғи мумкин.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Уч кишининг дуоси шак-шубҳасиз қабул бўлади: мазлум, мусофир ва ота-онанинг фарзандига қилган дуоси”** (Имом Термизий ривояти).

Ҳаммамизга ота-онамизнинг дуосини олиб яшаш насиб этсин.

Манбалар асосида
Шаҳнозахон СОДИҚОВА
тайёрлади.

Дуосини ол...

Бомдод намозини ўқиш учун ўрнидан зўрға турган Ойша буви ҳассасини қидирди. Хайрият, эшик орқасига қўйган экан. Ҳассага суяниб айвонга чиқди. Бир пой кавушини тополмади. Келинини чақирди:

– Тожихон қизим, бир пой кавушим йўғ-а?!

– Билмадим, ўрнида тургандир, – деди келини. – Ҳозир қарай-чи!

У малолланиб чиқиб келди.

– Бомдодга кеч қолмайин, деяпман-да, қизим...

Тожихон у ёқ-бу ёқни қаради-да:

– Мана бу ерга қўйиб-сиз-ку, – деди.

– Вой, эсим қурсин! Бир жойига сув тўкилганди, қу-

рисин деб шу ерга қўйгандим...

Буви ҳассасини дўқиллатиб нари кетди. Бироздан кейин яна келинини чақирди:

– Қизим, чойнақдаги сув совуқ экан, озроқ илтиб беринг!

Тожихон энди жойига ётганди.

– Уфф, қариганда шунақа инжиқ бўлиб қоладими, одам?! Дам иссиқ, дам совуқ дейиши жонимга тегди! – деб юборди ўр-

нидан тураркан. Шу дамда онасининг: “Қизим, қариганда одам ёш боладай бўлиб қолади. Қайнонанг ҳам шундай. Малол келмасин, дуосини ол. Ғанимат”, деган насиҳати ёдига тушди-ю, истиффор айтиб, тезда илиқ сув ҳозирлаб берди.



Қадр

Бемор ётган Рисолат буви набирасига бир пиёла совуқ чой олиб келишини илтимос қилди. Набираси дарҳол ошхонага кириб, тоза пиёла тополмагач, ойнаванд токчага “кўз-кўз”лаб қўйилган қимматбаҳо финжонни олди. Чойнақдаги совуқ чойдан қўйиб, бувисига олиб бораётганида қоқилиб кетди. Қўлидаги пиёла тушиб, чил-чил синди. Буни кўрган келини бақира кетди:

– Шу янги идишни ҳам оласанми?! Ошхонадаги пиёлани олсанг, бўлмасмиди?!

– Пиёлалар тоза эмас экан-да...

– Дард бўлдинг, бало бўлдинг!..

Рисолат бувининг дили оғриди. Келин охирги гапини ўзига ишора қилиб айтганини билди. Унданам: “Мени деб набирам мулзам бўлди. Қайданам совуқ чой олиб келишини сўрадим! Индамай ётаверсам бўлмасмиди?” дея ўзини койиди. Кўзларида ёш қалқиди. Бош томондаги оқ рўмолчани олиб, кўз ёшларини секингина артди. Аллоҳдан келинига инсоф сўраб дуо қилди.



**Тўхтаҳон
РАҲИМОВА,**
Наманган тумани

“Маймун чечаги”:

юқиш йўллари, аломатлари, олдини олиш

“Маймун чечаги” (трох вируси) юқумли касаллик бўлиб, юқори ҳарорат, лимфа тугунларининг катта-лашиши ва тошма тоши-шига сабаб бўлади. ЖССТ Африкада ушбу касаллик эпидемиясини халқаро аҳамиятга эга фавқулодда ҳолат деб эълон қилди.

Санитария-эпидемиология қўмитаси бошқармаси бошлиғи Рустамжон ИКРОМОВ бундай дейди:

– Ҳозир кўп мамлакатларда одамлар “Маймун чечаги” билан касалланган. Европанинг бир қанча давлатларида инфекциялар аллақачон аниқланди.

“Маймун чечаги” дастлаб 2022 йилда қайд этилган. Ушбу вируснинг клиник кечиши 1980 йилда бутунлай бартараф этилган чин чечаги белгилари билан бир хил. Шу боис чин чечакка қарши ишлатилган вакциналар “Маймун чечаги” таъсирли экани ҳақида маълумотлар берилган. Демак, Ўзбекистон Республикасида 1980 йилгача туғилган фуқароларнинг бар-

часида ушбу чечакка қарши режали ишлар амалга оширилган. Шу боис 1980 йилгача туғилган фуқароларда маймун чечаги тарқалиб кетиши у қадар кузатилмаслиги илмий изланишларда исботи топган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакцина ва унинг хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотларни йиғиш механизмини ишга туширди. У орқали ҳар бир давлатга ўз таклифини беради.

Ўзбекистон Республикасида 1980 йилдан кейин туғилган фуқаролар қатламини эмлашга зарурат туғилса, мурожаат билан чиқиши ва керакли миқдордаги вакциналар келтирилиб, эмлаш

ишлари бошлаб юборилади.

4-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокор муовини Адиба Ўлжаева айтади:

– “Маймун чечаги” ҳаво-томчи орқали (юзма-юз), теридан терига (тегиш), шиллиқ қаватлар орқали, инфекцияланган юзалар (кийим, буюмлар, электроника), онадан ҳомилага ҳамда жинсий алоқа йўли орқали юқади.

Бош оғриғи, иситма, мушак ва бел оғриғи, тошма, лимфа тугунларининг кенгайиши, беҳоллик, томоқ оғриғи, илк аломатлар 5–21 кун ичида пайдо бўлиши унинг асосий белгиларидан. Кўпроқ болалар, ҳомиладор аёллар, иммунитети заиф инсонларга бу офат хавф солади. Инкубация даври 6 кундан 21 кунгача.

Иситма, бош оғриғи, шиш, заифлик; 95 фоиз ҳолларда тери тошмаси 1–3 кунларда, асосан, қўл ва оёқларда пайдо бўлиши унинг аломатларидир.

Касалланган ҳайвондан ҳам касаллик юқиш эҳтимоли бор. Вирус билан зарарланган буюмлар, маса-





лан, сочиқ ёки чойшаблар ҳам соғлом инсонга хавф туғдиради.

Касаллик тасдиқланганда беморни изоляция қилиш; қўлни ювиш, антисептиклардан фойдаланиш, тошмаларга қарши илқ ванналар қабул қилиш, ниқоб ва қўлқоп тақиш, алоҳида идишлар ва жиҳозлардан фойдаланиш, терини куруқ ва очик ҳолда сақлаш тавсия этилади.

Ота-оналар оила аъзоларининг соғлом турмуш тарзига эътибор қаратиши керак. Эмизикли бола табиятан соғлом, иммунитет юқори бўлади. Табиий ва сутли маҳсулотлар, уй шароитида тайёрланган овқатлар, мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш зарур. Шахсий гигиенага риоя қилиш. Касаллик хавфи туғилган пайтларда жамонат жойлардан узоқлашиш.

Эмлаш юқумли ва ҳатто ўлим билан тугайдиган касалликлар тарқалишининг олдини олади.

Юлдуз АСҚАР қизи
тайёрлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази уламоларининг хулосаси:

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан фуқароларимизга етказиб берилаётган вакциналарни олишимизга динимиз рухсат беради. Эмланиш шаръан жоиз, чунки бу даволанишнинг бир кўринишидир.

Динимиз кўрсатмаларида ҳам инсон ўз соғлиғи ҳамда жамият саломатлигини асраши лозимлиги таъкидланади. Шариатимизда инсонларга зарар етадиган ҳолатларда шариатимиз зарарни даф қилиш сабабларини қўллашга буюради. Аллоҳ таоло ҳар бир дарднинг шифосини ҳам берган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: **“Албатта, Аллоҳ таоло дард ва давони нозил қилди. Ҳар бир дард учун давони яратди. Шундай экан, даволанинг. Аммо ҳаром билан даволанманг”**, дейилган (Имом Абу Довуд ривояти).

Баъзилар вакцина олишга бепарво бўлади, шунингдек, фарзанд ва чақалоқларини ҳам турли касалликларга қарши эмлатишдан бош тортади. Натижада ушбу болаларда кейинчалик шол ва менингит каби оғир хасталиклар кузатилмоқда. Оқибатда, ўз вақтида эмланмаган болалар келажакда бир умрга ногирон бўлиши ёки барвақт ҳаётдан кўз юмиши каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Ваҳоланки, шариат беморликдан аввал ундан сақланишга буюрган.

Фастфудлар – кони зарар

(Гамбургер, чизбургер, КФС, хотдог, пицца, лаваш)

«Фастфудлар истеъмоли кишида тушкунлик (депрессия) ривожланишига сабаб бўлади», дея хулоса қилмоқда мутахассислар.

Бу егуликлар таркибидаги ёғли кислоталар миянинг ҳиссиётларга жавоб берадиган қисмига тушиб қолар экан.

Мутахассислар айтишича, ортиқча вазн туфайли ички аъзолар фаолияти бузилиши кузатилади. Юрак қон ҳайдашга, жигар заҳарларни тозалашга, эндокрин безлар эса, организмни керакли микдордаги гормонлар билан таъминлашга қийналади.

Фастфудлар таркибида тўйинган ва трансёғлар (зарарли ёғлар) микдори ҳаддан зиёд кўп. Бу эса семизликни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир. Чунки тўйинган ва трансёғларнинг организмдан тўлиқ чиқиб кетиши учун камида 2 йил керак бўлади.

Жисмоний соғлом инсон учун кунига ўртача 5 грамм туз истеъмоли – меъёрий кўрсаткич. Аммо битта лаваш ёки гамбургер таркибида 2–3 грамм, ўртача порция картошка фрисида эса 0,5 грамм туз бор. Бу юрак-қон томир касалликларининг ривожланишига туртки бўлади. Фастфудлар билан бирга газланган ичимликлар, соуслар таркибидаги ҳаддан зиёд шакар қандли диабетни келтириб чиқаради.